



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2015-yil 4-dekabr №49 (4344)

8 ДЕКАБР — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Биз учун ягона мафкура — бу Ўзбекистоннинг тараққиёти, Ўзбекистоннинг равнақи, Ўзбекистоннинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигидир.

Фақат ўз куч ва салоҳиятига таяниб, ўзлигини англаб, бошини баланд кўтариб яшайдиган халқни дунё аҳли ҳурмат қилади.

Ислом КАРИМОВ

“Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” китобидан.

БЕТИМСОЛ ВА БЕЗАВОЛ ҒУРУР

Бир ярим ёшида онадан, тўққиз ёшида отадан айрилиб етим қолган маъюс қўли қизалоқ сочлари учидидаги пиликлари куйиб, далага ризқ топиш илинжида кетган акалари учун нон ёпади. Ёпаётган нонлари қизиган чўғ устига оқиб тушади. Юзига аланга урса-да, жажжи қўллари куйишидан ҳам кўркмай уларни чўғдан олади-ю, бир чеккада ўтириб юм-юм йиғлайди.

Бир куни уни рўдапо паранжиги ўрашиб, “Ёшинг нечада деб сўрашса, ўн бешда эмас ўн еттида дегин”, деб тайинлашганида собиқ тузум идораларида берган жавоби то хануз қулоқларим остида садо беради. Сўнгга қимматчилик, қаҳатчиликнинг ҳар бир ўзбек хонадонига ботирилган шафқатсиз панжалари... Уруш даври даҳшатлари ортидаги йўқотишлари... Менинг болалик тасаввуримга эса кўзёшларга ботирилган мўйқалам орқали вақтнинг оқ матосига чизилган XX аср аёлининг абадий муҳрланган сурати — Онаминг сурати, Ватанинг сурати.

— У вақтлар электр чироклари йўқ эди. Ҳамма иш қўл кучи билан бажариларди. Уруш тугаган йиллар йиғитларимиз ҳарбий хизматдан ярим-ёрти қайтган. Автомашиналар бўлмагани учун от, арава, туялар, ҳатто эшаклар билан ҳам ҳўжаликдаги юклар ташилар эди. Бугдой, арпа пишган, одамлар далаларида ётиб қоларди. 1946 йилда укаларим Ҳасан-Ҳусан, Сиддиқжонга

қизамиқ чиққан, уларнинг вужуди гўё олов ичида қолди. Табиб болаларга гултожихўроз қайнатмаси иссиқни туширади, деб доим ичирар, лекин бирор нафи бўлмасди. Тиббиёт ҳали бу касалликнинг давосини тополмаган, қизамиқ минглаб хонадонлардан болаларни ўзи билан олиб кетарди. Сиддик олти ёшда, Ҳасан-Ҳусанлар тўрт ёшда эди. Уларни олиб қолишнинг иложи бўлмади. Ўн бир кун ичида онам учта жигарбандидан бир йўла айрилди, — деб хотирлайди салкам саксон ёшни қоралаган меҳнат фахрийси паркентлик Содик ота Орипов. — Узун киш кунлари қийналамиз. Хаттоки ёзда йиғиб қўйганларимиз ҳам адо бўлиб қолади. Сандалга кўр олов тополмаймиз. Шундай ночор вазиятда ҳам солиқчилар уйма-уй юради. Солиқчилар уйдаги биттагина наमतимизни ҳам зўрлик билан олиб кетди.

Давоми иккинчи саҳифада.

СЎЗ ҚУДРАТИ

Одамга ҳайратлар бағишлайдиган, унинг ҳиссиётларини, туйғуларини тарбияловчи бир куч бор. Болаликдан оқ шуурларни йиғласа дур, кулса гул ундиргувчи парисиймолар билан илк бор таништиргувчи — у. Таҳдид солаётган ёш қаршиисига тарақ ташласа — чангалзор, ойна кўрсатса уммон пайдо қилиши ҳақида тасаввур уйғотувчи — у. Демак, одамзод кўнглига муҳаббат тухмини экувчи ҳам, ғанимга қарши курашчанлик туйғусини пайдо қилувчи ҳам — аини шу кучдир. Улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний “ойинаи ҳар миллат” дея таърифлаган, буюк Чўлпон “ўткир юрак кирларини ювадиргон тоза маърифат суви” деб баҳолаган бу куч — адабиётдир.

Уни инсонга ато этилган неъматлар ичида энг қадрлиси дейилса асло муболага бўлмас. Негаки, йўқотилган ҳар қандай бойликнинг ўрнини қоплаш мумкин. Мабодо одамзоддан сўз деган неъмат олиб қўйилса, унда айтарли ҳеч нарса қолмайди. Шунинг учун ҳам инсон ҳаётини, жамият мавжудлигини

сўздан, адабиётдан айри тасаввур этиш маҳол. Орзудан маҳрум инсон тубанликка маҳкум бўлгани сингари

идеалдан бебаҳра жамият ҳам таназзул гирдобига тушиши мўқаррар. Инсон орузи, жамият идеали эса адабиётда акс этади. Адабиёт миллий шаклда намоён бўлар экан, нафақат алоҳида шахсларнинг, миллатнинг орзу-идеалларини ифодалайди. Миллатнинг дидини, адабий-эстетик тафаккурини айнан адабиёт тарбиялайди. Шунинг учун ҳам ижод аҳли — шоиру адиблар, адабиётшунослар зиммасидаги масъулият бошқалардан зиммасидан баландроқ. Бадиий адабиёт қанчалик индивидуал ҳодиса бўлмасин, модомики миллатнинг шуури, ҳаёт тарзи, руҳияти унинг воситасида шаклланиб экан, ижтимоий аҳамиятга моликдир. Демак, адабиёт муайян даврнинг энг долзарб, ўткир муаммоларини акс эттирмаслиги мумкин эмас. Миллат шуурида, руҳида кечаётган эврилишларни ифодаламаслиги имкондан ташқаридир. Мустабид тузум даврида она халқимиз бошдан кечирган огир кунлар бадиий адабиётда бутун мураккаблигию зиддиятлари билан ифодалангани бунинг исботидир.

Давоми тўртинчи саҳифада.

Носир МУҲАММАД

БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИ

«Мен катта ишонч билан айтаманки, Ўзбекистон жаҳондаги энг бағрикенг мамлакатдир», — дейди Вашингтондаги Ж.Хопкинс номли университет қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институтининг етакчи эксперти Аффаб Қазии.

Шунингдек, Мисрдаги етакчи нашрлардан бири «Ал-Ахбор» газетаси «Ўзбекистон: миллий тотувлик тажрибаси»

мақоласида «Ўзбекистондаги миллатлараро тинчликни таъминлаш модели энг юксак баҳога лойиқ. У араб дунёси учун



якши намуна бўлиши мумкин», деб ёзади. «Диний бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик бобида Ўзбекистон Франция

учун ҳам намуна бўлиши мумкин», деб таъкидлайди Версал шаҳри мэри, Франция парламенти куйи палатаси — Миллий ассамблея депутати Этьен Пинте.

Албатта, бундай самимий дил изҳорлари ва холис эътирофлар қалбимизга ғурур бағишлайди. Ўз навбатида, зимамизга умрбоқий қадриятларимизни, айниқса, олижаноблик ва бағрикенглик каби инсоний фазилатларни асраб-авайлаш масъулиятини юклайди. Ўзини шу табаррук замин фарзанди деб билган бошқа

юртдошларимизни ҳам буюк келажакимиз йўлида бирлашишга ундайди. Барчамизни ягона Ватанимиз ҳисобланмиш Ўзбекистоннинг бахт-иқболи ва истиқболи учун қайғуришга, аждодларимизга муносиб


ворислар бўлишга, миллий қадриятлар ва анъаналарни мудом такомиллаштириб, келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришга чорлайди.

Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат. Аҳолиси ўттиз бир миллиондан зиёд юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари умргузаронлик қилмоқда. Энг муҳими, халқимизнинг аҳиллиги ва ҳамжиҳатлиги, турли миллат вакилларида ягона Ватан туйғуси йилдан йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Бунинг бир неча сабаби бор.

Аввало, мамлакатимиз Президентини Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган оқилона миллий сиёсатдир. Истиқлол арафасидаги вазият-

ни бир эсланг. Фарғона ва Ўш воқеалари, митингбозлик, парокандалик, иқтисодий тушқунлик, бошқа миллат вакиллари-нинг кўркүв ва ҳадиксираши... Бундай шароитда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун сиёсий ва иқтисодий вазиятни изга солиш, миллатлараро муносабатларнинг барқарор тизимини яратиш, одамларда эртанги кунга ишонч туйғусини уйғотиш зарур эди. Бу вазифалар шараф билан адо этилди.

Давоми учинчи саҳифада.



Рустам НАЗАРМАНОВ олган сурат.

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири



ЭЪТИҚОДИМ

Ифтихор

Ўзбекистон, эътиқодим —
Сенга ўғлонлик шараф.
Бир тўқин боғдирки бағринг,
Унда боғбонлик шараф.

Мен кезиб чексиз жаҳонни
Шону шўҳрат истамам,
Бўлганим ўзбек — буюк шон,
Ўзбекистонлик — шараф!

Сен менинг кўнглимга солдинг
Осмоннинг кенглигин,
Бағри кенглик олатимдир,
Танти мезбонлик шараф.

Якши меҳмон бошим узра,
Нону тузнинг қадрига
Етмаганлар келса ногоҳ,
Зирху қалқонлик шараф.

Олий инсонлик билан сен
Барқарорсан, барқарор,
Барча халқлар бирла тенглик,
Дўст-қадрдонлик шараф.

Дўст-қадрдонлар қошида
Ўпди байроғинг Ҳабиб,
Сенга посбонлик шараф деб,
Сенга қурбонлик шараф!

→ 3

ВАТАННИ АНГЛАШ САБОҚЛАРИ

Инсон яралибдики, бу дунёга нимага келдим, яшашдан мақсад ўзи нима, деган саволга мудом жавоб ахтариб яшайди. Ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англашга интилиш, ўзлиқни идрок этиш аждодлардан мерос туйғу. Шундай экан, “биров кураётган ва биров бемалол бузаётган” таҳликали дунёда ўқувчи ёки талаба, кечагина юрт ҳимоячилари сафидан ўрин олган оддий аскарлар билан таниқли адибу олим, атоқли санъаткору моҳир ижодкорларнинг учрашув лаҳзалари, Ватан тимсоллари ҳақидаги қизғин гурунглари аслида ўзлиқни англаш сабоқларидир.

Негаки, кўпгина халқлар ҳақ-хуқуқини таниб, ўз эрки ва озодлигини қўлга кири-тиб, Ватани қаддини тиклаётган, юрт шаънини улуғлаб эртанги порлоқ истиқболни яратаятган, ёшлар сиймосида буюк келажакни кўраётган бир маҳалда дунёнинг бошқа бир ҳудудидан кимлардир инсоният тафаккури, ақл-идроки билан яратилган не-не шаҳарлар, боғ-бўстонлар кулини қўкка совурмоқда. Разолат маънавий тамаддун дарахтига болта урмоқда. Террорчилик хуружлари, қиргин ҳуроллари билан дағдаға қилиб, инсоннинг ягона макони бўлмиш она-заминнинг ўзини ҳам

йўқ қилиб юборишдан тап тортмаётганлар кирдикорига холис баҳо бермоқ учун ҳар бир инсон дунёга уйғоқ қалб билан боқмоғи, ёшларини ўзлиқни англаш сабоқ-

култетлари талабалари, профессор-ўқитувчилар йиғилган. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Иброҳим Ҳалимбеков истиқлол йиллари-

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

ларидан баҳраманд этиб бормоғи керак. Бу фикрлар Конституциямизнинг 23 йиллиги байрами арафасида ўтаётган мулоқотларнинг бош мавзусига айланди. Термиз давлат университетидаги учрашувга физика, математика, техника фа-

даги тараққиёт манзаралари, миллий са-ноатимиз равнақи ҳақида фикр юритар экан, ушбу қиёсий мисолларга эътиборни жалб этди:

Давоми иккинчи саҳифада.

БЕТИМСОЛ ВА БЕЗАВОЛ ҒУРУР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ўтмишнинг бундай саҳифалари бугунги ўсиб келаётган авлод учун тарих китобларидан ўқилади. Йигирманчи аср болалиги мой чироқларда савод чиқариб, лойга ботиб мактабларга борган, ўзга тарихларни ўқиб атайин ўз тилидан бегоналаштирилган бўлса, бугуннинг болалиги — Истиқлол болалари ўз Ватанининг эркатойлари. Қуёшли дунёнинг умидли ниҳолларидир.

Шу мўъжазгина қурраи заминимизни ўзининг ёруғ тилаклари, дуолари билан гўлдек кафтида тутиб келаётган Аёл пойига Яратган жаннатни нисор этган. Мухтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, **"Маънавият инсонга она сuti, ота намунаси, аждодлар ўғити билан сингади"**. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок Аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, миллат келажаги бўлган фарзандлар камоли, тарбиясини ишониб топшириш, оналик ва болаликни ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий муҳофаза қилиш — барча жаҳонларда фаол иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бош Қомусимизда оила қуриш, оналик ва болалик ҳуқуқлари ва ҳимояси унинг 14-боби 63 — 66 моддаларида мустақкамлаб кўйилган бўлиб, **"Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади"**, дейилган. 130 йилдан зиёд давом этган тоталитар тузум мобайнидаги ўша давр қонунлари факатгина миллатни, оилаларни ўз миллий қадриятларидан, тилидан, динидан, тарихидан ўзлаштириш учун хизмат қиларди. Болалигим деганда яна кўз олдимга нигоҳида лим-лим гусса қизалоқ, қотган нонни тишсиз милклар билан чайнолмай ўнсиз йиғлаётган бобом, унинг соқолларидан оқиб тушаётган марварид томчилар, бурчок тираётганда мукка тушиб, оламдан ўтган саксон ёшли амаким, бир жуфт ҳўқизимизни уйимиздан ҳайдаб олиб чиқиб кетишайтганда юзимдан оқаётган қайноқ томчиларни кафти билан сидириб, "Кўй, йиғлама қизим", деб юпатган отам ўтаверади.

Бугун эса гўзал жўлларнинг оила қуриши, меҳнат қилиши, илм олиши ва бошқа қатор имкониятларининг ҳуқуқий жиҳатлари Бош Қомусимизда белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси қонунлари — Оила кодекси, Меҳнат кодекси ва барча қонунларимизда илғор халқро тажрибалардан фойдаланган ҳолда оила, оналик ва болалик манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва тақомиллаштириш юзасидан бетимсол имкониятлар белгиланганки, биз бунинг амалиётини ўтаётган йиллар, ҳар бир дақиқаси тарихга айланган бораётган кунлар мисолида қўриб, шохиди бўлиб бораёلمиз.

Бугунги куннинг аёли жамиятнинг ҳамма жаҳонларида Ўзбекиона гурур, фидойилик, ўз ватанига чексиз садоқат билан фаолият кўрсатаётган. У воёга етказ

заётган фарзандлари дунё билан бўйлашиб, ўзбек халқи ҳеч қандам кам эмаслигини, кам бўлмаганлигини исбот қилиб бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги" Фармони иқтидорли қизларимизни аниқлаш, уларни муносиб тақдирлаш, кенг қўллаб-қувватлаш жадваллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш йўлидаги ҳамхўрликнинг ажойиб намунаси бўлди. Ушбу Фармон қабул қилингандан сўнг адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳасидаги алоҳида ютуқлари билан унга муносиб топишган қизларимизнинг ёрқин юлдузлардек Ватанимиз осмонидан бирдан қанчаси барчанинг қалбини чексиз гурурга тўлдирди. Уларнинг ҳар бир чиқишини халқимиз кузатиб турибди. Халқимизнинг ажойиб маданий қадриятлари, маънавий мероси, аёлларимиз қонидаги билим ва тафаккурнинг олмос қирралари, факат ўзимизгагина хос бўлган тарихий ва маъ

100 йиллиги муносабати билан ҳукумат миқёсида ўтказилган тадбирлар ҳар бир хонадоннинг байрамига айланади. Аёлларимиз Сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари бўлиб, сиёсий жараёнларда ўз сўзларига эгалиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бешта сиёсий партиялар сафида улар иштирокининг ошиши, дунё тан олимларимиз, юксак истеъдодли шоирларимиз, даласида қўяманиб, она тупроғини азал-абад ардоқлаб келаётган аёлларимиз — барчалари Истиқлол бекларидир.

Бугун биз қайга кўз ташламайлик, аёл ўз муносиб ўрнини топиб, жамият тараққиёти учун хизмат қилаётганининг гувоҳи бўламиз. Маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ҳам энг обрўли ва фаол аёлларимиз орасидан танлаб олиниши аҳолига, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўтказиш каби масалаларнинг ҳам бошида Аёл турганлиги — Аёлга бўлган эҳтиромнинг яна бир амалий кўринишидир.

Халқимиз ҳар йили ўз байрамларини энтиқиб кутади. Шундай азиз байрамларимиздан бири Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кундир. Ҳар йили ушбу кунда мамлакат миқёсида йил мобайнида амалга оширилган ишларга бир

кур назар ташланади ва ҳамма ҳаяжон билан келаётган йилнинг қандай номланганини кутади. Ўз Давлат рамзларига эга бўлган Ўзбекистон халқи — дунё харитасидан муносиб жой олган қадимий ва навқирон юрт эгалари 180 дан ортиқ байроқлар қаторида масрур ҳилпираётган байроғининг эпкинни жони-жаҳонида ҳис қилиб, ўз мадҳиясини қуйлайди. Байроқнинг муқаддас бандини шу гўзал юрт эгалари маҳкам ушлаган: у ўзбек халқи ва унинг мунис аёллари, фарзандларидир.

Ана, эндигина тушган келинчақ, Тонгдан йўлларини сулуриб қўяр. Мўйсаяфид оталар йўлини кесмай, Чеккада қимтиниб, индилай турар. Дастурхонга қайноқ нонлар қўяди, Сенинг суратингни шундай чизади. На хуш бу ҳаволар — Ватан ҳавоси, Кўксини тўлдириб, оламан нафас. Дунё пештоқида, шукру, байроғинг Ҳилпирар яловлар ила басма бас. Табаррук тупроғинг жонимга пайваст, Бутун кенглигинг ҳайда кездим, Бетимсол жамолнинг, тенгсиз суратинг Кечир, билар билмай ўзимча чиздим. Онамсан, қарзингни қилолман адо, Боримсан, сенсиз мен тентиган шамол. Она юртим, завол кўрма илоё, Сен борсан, кўксимиз тўла ифтихор Сенинг суратингни чизаман, Ватан!

Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Агар ўтган аср 90-йилларида саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 14,1 фоизни ташкил этган бўлса, бу соҳадаги ўнлаб, юзлаб кенг қўлламли лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли бу кўрсаткич бугунги кунда 25 фоиздан ҳам ошди. Ўзбекистон иқтисодиёти истиқлол йилларида беш баробардан зиёдга ўсиб, мамлакат аҳолиси шу даврда ўн ярим миллионга кўпайганига қарамай, унинг даромадлари тўққиз баробар ошди.

Албатта, ўсиб-улгайишу юксалишлар кўламни аниқ тасаввур этиш мақсадида тилга олинаётган рақамлар замирида мамлакат тараққиётининг изчил амалга оширилаётган устувор йўналишлари халқимиз турмуш тарзида қандай самара бераётгани кундан кунга акс этиб турибди. Бу жараёни бутун халқимиз ўз кўзи билан кўриб, фаровон ҳаёти ми

солида яққол ҳис этаётир. Ижодкорлар ва талабаларнинг қизгин гурунги давом этаётган мазкур университетнинг бугунги қиёфаси билан кечаги аҳолини солиштириб кўришнинг ўзи ҳам мамлакат таълим тизимида рўй бераётган беқиёс ўзгаришларга кўзг бўлиши мумкин. Маънавий-маърифий ишлар бўйича ректор ўринбосари Ойбек Рўзиевнинг таъкидлашича, ёшлар Конституцияда белгиланган қўллаб-қувватлаш имкониятлар яратилган. Талабалар иқтидорини намоён этиш учун ажратилган технологиялари ва замонавий лабораториялардан фойдаланмоқда. Иқтидорли талабалар шаҳарчаси, янги ўқув бинолари, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши талабаларининг ижодий ишлари намойишга қўйилган галерея, қўрқам хиббонлар киминг ҳавасини келтирмайди, дейсиз!

Талабалар илм сирларини эгаллашга эмас, спорт соҳасидаги ютуқлари билан ҳам доврўк чемпионлар сафини тўлдириваётган экан. Эркин Қариев ўзбек жанг санъати, Сайёра Муҳаммадиева, Ниёзбек Чориев кураш, Азизбек Бўриев, Бобур Давлатов каратэ, Улғубек Чориев енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионлари бўлса, Шарафиддин Омонов яқинда каратэ бўйича Марказий Осиё чемпионлигини қўлга киритибди. Бундан ташқари, ўттиздан зиёд талаба спортнинг турли соҳаларида Ўзбекистон чемпиони бўлибди.

Бу ютуқлар мазкур таълим даргоҳи истиқлолиятини шарофати, Юртбошимиз меҳри билан қўксини Амир Темур ордени беазаган қадим Термизнинг таршиф қоғозига айланганига ишонч ҳосил қиласиз. "Қамолот" ЁИХ бошланғич ташкилоти раҳбари, "Энг фаол маънавият тарғиботчиси" танлови вилоят босқичи

голиби Музаффар Норқобилов ўз она юрти, бетимсол Ватанидан фахр-ифтихор этиш ёшларимиз қалбида чўқур илдиэ отаётгани, фикри тиниқ, тафаккур теран авлод камол топаётгани ҳақида сўзлади.

Термиз шаҳар фаоллари, маҳаллалар жамоатчилиги вакиллари иштирокида Конституциянинг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилган учрашувда "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Шухрат Ризаев мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш ва илм ҳаёти борасида амалга оширилаётган, кўп миллилатли Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига бевосита дахлдор бўлган беқиёс ишларнинг мазмун-моҳиятидан сўз очди. Бугунги кунда бу соҳага йўналтирилаётган йиллик харажатлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 10-12 фоизини ташкил этиб, соҳанинг давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан зиёд

жанговар техникани бошқаришнинг пухта эгаллаб ўз уйингизга қайтадиган муборак кунларга ихлос билан тараддуд кўришмоқда, чиройли ва шарм-ҳаёли қизлар орасидан ўзларига келин ахтариб, тўйларингизга атаб қўю қўчқор боқилмоқда. Инсон учун бундай қувончли ташвишлардан ҳам ортиқ бахт борми!

Бу сўзлар учрашув қатнашчилари бўлган ёш ҳарбийлар, аскар йигитларимизни ғоятда тўлқинлантириб юборди. Андижонлик Жалолиддин Турсунов, наманганлик Бобурмирозо Ғозиев, тошкентлик Отабек Маматқулов, Улғубек Мирхўжаев, Ботир Акбаров, қорақалпоғистонлик Зокир Холмуродов, самарқандлик Нурали Эргашев каби оддий аскарлар сўзга чиқиб, Ватан ҳимоячиси бўлиш бахти ва аскарлик шарафи ҳақида сўзлаб, ўзлари ёзган она юртга садоқат ва севги-муҳаббат мавзусидаги шеърларидан ўқиб бердилар.

ВАТАННИ АНГЛАШ САБОҚЛАРИ

Термиз шаҳридаги саноат ва транспорт ҳамда ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежларидаги учрашув ва мулоқотлар ҳам шундай қизгин руҳда ўтди. Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов, "Маънавият гулшани" газетаси бош муҳаррири Норқувват Тўраев, талаба Зебунисо Расуллова, фан доктори Исроил Ботиров ва бошқалар иштирок даврида эришган ютуқларимизни халқимизнинг эрксизлик ва истибдод ҳукм сурган даврлардаги ҳаётига таққослаб кўриш биз учун мустақиллик моҳиятини англаш ва ўзлгимизни идрок этишда ўзига хос кўзг эканлигига эътибор қаратиларди. Ёхуд Марказий Осиё мамлакатлари кўламини Ўзбекистон эришган бугунги ютуқларини унинг атрофидаги бошқа мамлакатлар аҳолига солиштириб кўрганда ҳам ҳосил бўладиган ер билан осмонча фарқ инсон ўзи учун қандай ҳаёт қуришга муносиб бўлса, ўшандай ҳаёт кечириши мумкинлигини рўй-рост англаш

турибди. Учрашув қатнашчилари ва сўзга чиққанлар қиёс учун тилга олган Украина, Сурия сингари мамлакатлар ва бошқа минтақаларда бўлиб турган талотумлар, ўзи яратаётган қиргин қурооллари ва уларни кўз-кўз этиш билан фахрланаётган айрим давлатларнинг мақсад-муддolari бизни жаҳонга очик қўз билан қарашга, бу найрангларнинг замирида қимматнинг қандай фарзали мақсадлари ётганини фаҳмлаб кўришга даъват этмаслиги мумкин эмас. Бу ўринда буюк зотлар ўз халқи ва мамлакатини бошлаб бораётган нури йўллар ва манзиллар моҳиятини идрок этишда ҳикмат кўп. Бинобарин, инсон онгигада замон қаърида кечаётган эвришлар билан монанд тарзда ўзлигини англаш, Ватанни севиш сабоқлари ҳам давом этаётир.

Таникли адабиётшунос Шухрат Ризаев ҳар бир ҳарбий хизматчи, Ватан ҳимоячисининг кўнглига кириб, юрагидаги азиз туйғуларини жўштириб шундай деди:

— Халқимиз ўз Ватан ҳимоячилари билан фахрланади ва уларга ишонади. Ҳар бирингизнинг ота-онангиз, маҳаллангиз, қишлоқдошларингиз мард ва жасур ўғлонлари юрт ҳимоячилари сафини эканлигидан ифтихор қилади, тенкурларингиз сизлардек Ватан посбони бўлишни оруз этади. Балоғат ёшидаги қизлар ҳам жуфти ҳалолини сизнинг сафингиздаги ер йигитлар орасидан танлайди, севади ва муҳаббат қўяди. Ота-оналарингиз сизлар Ватан ҳимоячиси бўлишдек улуг ва шарафли вазифани адо этиб, ҳарбий маҳорат сирлари ва

Мурод АБДУЛЛАЕВ
Тошкент — Термиз — Тошкент

УЧРАШУВЛАР, СУХБАТЛАР

ФАРҒОНА. Вилоят педагог ходимлар ва ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш институти, Фарғона давлат университети ва Фарғона политехника институтида бўлиб ўтган Конституция кўнига бағишланган тадбирларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари она тилимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида сўзлаб, унинг гўзаллиги ва жозибасини таъкид этиб, янги шеърларидан ўқиб бердилар. Фарғона нефтчилар саройида "Н" ҳарбий қисм шахсий таркиби иштирокчида бўлиб ўтган байрам тадбирида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раҳбари, Олий Мажлис сенати аъзоси Энаҳон Сиддиқова вилоятда фаолият юритаётган теле ва радиоканаллар фаолиятини тақомиллаштириш, тилимиз ва миллий урф-одатларимиз, умуминсоний қадриятларимизни асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Зухра Алиева, Баҳодир Исо, таржимон Муҳаммадрасул Кимсанбоев, вилоят Ёзувчилар уюшмаси қошидаги "Олтин қалам" адабий тўғараги аъзолари томонидан ўқилган шеърлар ҳарбийларга катта завқ бағишлади.

Марғилон шаҳар "Ариқ бўйи" ва "Тоғлик" Маҳалла фуқаролар йиғинларида уюштирилган маърифий тадбирлар "Тинчлик, омонлик ва юрт осойишталиги" мавзусига ба

ғишланди. Унда "Олтин қалам" ва Жаҳон отин Увайсий номли адабий тўғарақ аъзолари иштирок этдилар.

СУРХОНДАРЁ. Термиз шаҳар Адиб Собир Термизий номидаги Ахборот-ресурс марказида "Биз ёшлар диний экстремизмга қаршилик" мавзусида сўхбат ўтказилди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Болта Ёриев, таниқли шоир Холмуҳаммад Тоғаймурод ва бошқалар ўз ижод намуналарини

Олот ва Қорақўл туманларидаги Педагогика ва спорт коллежлари, Жондор, Ромитан, Шофиркон, Гиждун ва Когон туманларидаги Педагогика коллежлари, Бухоро шаҳридаги 2-, 19-, 22-, 35-умумтаълим мактабларида, Санъат, Маданият, Банк ва иқтисодиёт, Туризм, Солиқ, Тиббиёт коллежларида, Бухоро давлат университети, Бухоро Тиббиёт олийгоҳи, вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш олийгоҳида ҳам

қурилиш бошқармаси меҳнат жамоаси ҳамда Зарафшон кончилиқ касб-хунар коллежи жамоаси ҳузурда ҳам бўлиб ўтди. Унда "Олтин водий" газетаси таҳририятининг бир гуруҳ ижодкорлари, адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Абдуҳамид Холмуродов иштирок этишди. Маънавият сабоғи сўнгида зарафшонлик ёш ижодкорлар Ватан, Истиқлол мавзусида шеърлар ўқиди.

Публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳамдам Эшонқулов бошчилида бир гуруҳ ижодкорлар Навбахор туманидаги "Яхё бобо" ва "Ҳашман" фермер хўжалиқлари аъзолари ҳамда маҳалла вакиллари ҳузурда ўтказилган адабий-маърифий давра суҳбатига мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларида Конституцияимизнинг тарихий аҳамияти ҳақида фикр юритдилар, ижодкорлар озод Ватан саодати ҳақидаги янги шеърларидан ўқиди.

Шундай адабий-маърифий тадбирлар Қонимех туманидаги 2-умумтаълим мактаби, Навойи шаҳридаги Ёшлар маркази, Қизилтепа туманидаги "Оксалиш Осиё" фермер хўжалиги, Навбахор туман халқ таълими бўлими, Хатирчи туманидаги илғор "Сиддик бобо" фермер хўжалиги ва бир қатор ўқув даргоҳларида ҳам бўлиб ўтди.

Ахборот хизмати

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимларида

иштирокчиларга тақдим этишди.

Шунингдек, Қумқўрғон туманида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими қошида ташкил этилган "Илҳом" адабий клубида, Термиз шаҳридаги "Маънавият гулшани" газетаси таҳририятида ва "Ёшлар маркази"да "Бетакоримиз" мавзусида сўхбат бўлиб ўтказилди.

БУХОРО. Конституциямиз қабул қилинган кун муносабати билан белгиланган маънавий-маърифий тадбирлар режасига мувофиқ ўқув муассасаларида турли маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва танловлар ўтказилмоқда. Ёзувчилар уюшмасининг вилоятдаги аъзолари, талаба ёшлар, ҳуқуқшунос ва адабиётшунос олимлар, маънавият тарғиботчилари, маданият ва санъат намояндалари иштирокида

маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

НАВОЙИ. Қонимех иқтисодиёт касб-хунар коллежида "Халқ достонлари — миллат гурури" мавзусида бўлиб ўтган учрашув асрлар давомида шаклланган Қизилқум достончилиқ мактаби ва унинг вакиллари ижодига бағишланди. Байрамга айланган тадбирда ёш ижодкорлар ўртасида ўнлаб мушоираси ўтказилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, адиб Бақо Саидов ҳамда бир гуруҳ навоийлик ижодкорлар Учқудуқ қурилиш касб-хунар коллежи ўқувчилари ҳамда "Қўқпатас" кон бошқармаси меҳнат жамоаси ҳузурда маърифий давра суҳбати ўтказиб, унда Конституциянинг ҳаётимиздаги улкан аҳамияти ҳақида сўз юритилди, янги ўнлаблар ва шеърлар янгради. Ана шундай тадбир Зарафшон

Энциклопедия ҳар бир маърифатли, ўзини таниган халқ учун зарур китоб. Машҳур олимлар эътирофига сазовор бўлган бир қанча энциклопедиялар маълум. Уларнинг асосий жиҳати, саҳифаларида ёритилган мақола ёхуд мавзу ҳолис ва илмий нуқтаи назардан теран ифодалаб берилган.

2000-2006 йиллар давомида чоп этилган 12 жилдан иборат "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ("ЎЗМЭ") ҳам нафақат ўз илмий салмоғи, балки маъ

ЯНГИ НАШРГА ЭҲТИЁЖ

рифий-маънавий кўлами билан юксак эътирофга сазовордир. Муаллифлар жамоаси меҳнат қилган бу қомус ўз мавзусига доир ҳар қандай тадқиқот ёки асар учун муносиб манба бўла олади. Бундан ташқари, бу нашр миллий қомус характерига ҳам эгаки, бу эса миллий-маънавий ўзлигини англаш ва ўрганишда жуда катта аҳамият касб этади.

Қомуснинг ҳар бир жилдида Ватанимиз тарихи, маданияти, илм-фани, адабиёти ва санъати оид жуда кўплаб муҳим мақола ва маълумотлар билан бирга, жаҳон миқёсида эътироф этилган умуминсоний қадриятлар, дунёвий ва диний билимларга оид материаллар ҳам ўрин олган. Қайси соҳа вакили бўлмасин, албатта, ўзига керакли маълумотни қомус саҳифаларидан топа олади.

Аслини олганда ўзини зиёли ҳисоблаган ҳар бир инсоннинг шахсий кутубхонасидан ушбу нашр ўрин олиши лозим. Бироқ янада муҳими шуки, бу манба Республика-

миз олий ўқув юртлари, коллеж, лицей ва мактаблар кутубхонасида бўлиши керак. Негаки, талаба-ёшлар дарслик китобларидан кейин мурожаат қиладигани айнан "ЎЗМЭ" десак янглишмаймиз. Шундай экан, қомуснинг ҳозиргача нашр этилган адади етарлими, уни китоб дўконлари ёки кутубхоналардан топиш мумкинми, деган ҳақли савол туғилади.

Афсуски, бу саволларга қониқарли жавоб бериш қийин. Негаки, қомуснинг дастлабки жилдлари нашр этилганига 18, охириги жилдлари чиққанидан бери эса 10 йилга яқин фурсат ўтди.

Демак, китобхоналарда қомуснинг янги нашрига эҳтиёж бор.

Қомус чоп этилганидан буён ўтган давр мобайнида Республикаимиз ҳаётида кўплаб ўзгаришлар бўлди, қанчадан-қанча улкан ютуқларга эришди. Мамлакатимиз ва жаҳон илм-фанида бир қанча кашфиётлар амалга ошди, жаҳон тарихида ҳам кўплаб ўзгаришлар юз берди. Умуман, бундай янгиликлар ҳам қомус саҳифаларидан ўрин олиши лозим, албатта. Бундан ташқари, аввалги нашр тўлиғича қиррил алифбоси асосидаги ўзбек алифбосида чоп этилган эди. Ҳозирги кунда эса ёш авлод лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосида савод чиқармоқда, таълим олмақда. Демак, "ЎЗМЭ"нинг тўлдирилган ва янги алифбоддаги нашрига эҳтиёж янада ортмоқда. Бу эҳтиёжни қондириш эса кун тартибидagi муҳим масалалардан биридир.

Баҳодир КАРИМОВ,
филология фанлари доктори,
Отабек ЖҲАБОВЕВ,
филология фанлари номзоди

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

СЕВГА ҲАМДАЛИК ШАРАФ

ИНСОННИ СЕВ

Истасанг инсон бўлишни
Авалло, инсонни сев,
Севги бахтин ҳади этган
Шул азиз имконни сев.

Севмагил сен ўз-ўзингни
Эл аро танҳо билиб,
Ҳар тирик жонда ўзингни
Кўргилу ҳар жонни сев.

Билки, боқий олам ичра
Умримиз бир лаҳзадир,
Бу ҳаётга ҳамма меҳмон,
Танти бўл, меҳмонни сев.

Ҳирс кўйиб зўр ёки зарга,
Тутма нопоклик йўлин,
Қисқа умринг зийнати деб
Эътиқод, имонни сев.

Молу дунё бевафодир,
Бу — боболар ҳикмати,
Барчага бирдай баробар
Ерни сев, осмонни сев.

Эсда тут, ҳар қилмишинга
Ер гувоҳ, осмон гувоҳ,
Хоҳи виждонингни юттид,
Хоҳлагил шайтонни сев.

Бу умрда нени севсанг
Шу билан қолгай отинг,
Элни сев, ё пулни сев,
Ё бир гўзал жононни сев.

Севгидан бебаҳраларга
Сўзни ҳайф этма, Ҳабиб,
Айшпараст оқилни қўйил,
Ишпараст «нодон»ни сев.

КЕЛМАГАНИНГДА

Ваъда бериб кўзи хумор,
Келмаганинга,
Дил бўзлагай мисли дутор
Келмаганинга.

Келгайму, деб йўлларинга
Зор термулишдан
Рангим сомон, кўз интизор
Келмаганинга.

Ҳар шарпадан тан ларзада,
Жон бекарордир,
Йўқлаб сени девонавор
Келмаганинга.

Ўқсик дилим юпатгани
Гул очдию вале,
Кўздай паришондир баҳор
Келмаганинга.

Бу не маломат бошимга,
Бу не азоб эрур,
Оҳимга, эй безътибор,
Келмаганинга.

Гар қийнамоқлик қасдида
Келмаган эрсанг —
Қийноқдаги жоним нисор
Келмаганинга.

Тирик сатрлар

Жону жаҳоним истасанг
Жон, деб тутай, Ҳабиб,
Келмоқни этгил ихтиёр
Келмаганинга.

КўЧАМДАН ЖОНОН ЎТГАНДА

Таралгай мушк ила анбар
Кўчамдан жонон ўтганда,
Изида тупроқ ўлгай зар,
Кўчамдан жонон ўтганда.

Бошига соябон бўлмоқ
Умидида ошиб девор,
Бутонлар таъзим айларлар
Кўчамдан жонон ўтганда.

Деворга жон ато этгай,
Вале тошлар эриб кетгай,
Агар бир бор нигоҳ айлар
Кўчамдан жонон ўтганда.

Жамолини тамошо қилгали
Чикқач, девор ўлсам,
Кулар ҳолимга мажнунлар
Кўчамдан жонон ўтганда.

Бошимга ёғса ҳам гавго,
Ишим йўл пойламоқ, аммо
Нигоҳ солмай этар баттар
Кўчамдан жонон ўтганда.

Тиқибсан йўлида жонни,
Ҳабиб, бас, ноумид бўлма,
Тун ортидан келур қуилар,
Кўчамдан жонон ўтганда.

ОЙЖАМОЛИМ

Тонг отди. Боз ҳаёлим:
Келгайми, келмагайми?
Ул қомати ниҳолим
Келгайми, келмагайми?

Кўзим йўлида гирён,
Зорман кўришга ҳар он,
Зор этган ойжамолим
Келгайми, келмагайми?

Гулгун лабида ханда,
Мен ҳар сўзига банда,
Шаккар лабида болим
Келгайми, келмагайми?

Чорлаб ўтар ҳаётим,
Васли мудом муродим,
Доим сўроқ-саволим:
Келгайми, келмагайми?

Келганда кўксим осмон,
Кетгач кўнгилда армон,
Боз ақли баркамолим
Келгайми, келмагайми?

Боғим дея қувонсам,
Тоғим дея суянсам,
Етмасикин малолим,
Келгайми, келмагайми?

Бахтимга бор бўлгай,
Умримга ёр бўлгай,
Кўрмай сира заволин,
Келгайми, келмагайми...

СИЗДАН САДО

Кулли баҳорим Сиз томондан
Шўх сабо келган кун,
Ул шўх сабо қанотида
Дилдор наво келган кун.

Дилдор наво билан баҳор
Оғушига олмиш мени,
Дилдор наво оҳангида
Сиздан садо келган кун.

Шу бир ширин садо билан
Лутф этдингиз Ҳотам сифат,
Пойига тилло тўқингиз,
Гўё гадо келган кун.

Гўё гадо қутган эди
Ширин салонгиз хаста дил,
Олам мунаввардир, мана,
Унга даво келган кун.

Унга даво бахш этдингиз
Ҳолин сўраб, доногиним.
Юз йил узайди умри ҳам
Аҳдга вафо келган кун.

Аҳдга вафоси ҳурмати,
Меҳри зиёси ҳурмати,
Бошимга тож айлал, Ҳабиб,
Нозик адо келган кун.

Ҳ. САЪДУЛЛА (1942-2006)
Наманган вилоятида туғилган.
ЎЗМУ журналистика факултети
тамоғлаган. «Океандан шабада»,
«Баҳор билан суҳбат», «Яна
остонангда», «Эҳтиром», «Кўчамдан
жонон ўтганда» сингари ўндан
ортиқ шеърӣ тўпламлари ҳамда
«Туғилган йилим», «Онаизор»,
«Замин садоси» ва «Чуст ривояти»
сингари дostonлари chop этилган.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Истиклол йиллари Ватанимизда яшаётган турли халқлар ўртасида ўзаро ҳурмат, тенгхуқуқлилик ва ҳам-жихатликини мустаҳкамлашга, унинг қонуний асосларини яратишга жиддий эътибор қаратилди. Бу тамойиллар Ўзбекистон Конституцияси ва барча қонунариимизда муҳрлаб қўйилди. Жумладан, Конституция-мизнинг 4-моддасида Ўзбекистон давлати ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънаёлари ҳурмат қилинишини таъминлаш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши алоҳида кўрсатилди. 18-моддада эса мамлакатимизнинг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгалиги, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди,

атчиликнинг бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат қилиб белгиланди. Ушандан буён бу ташкилот 140 га яқин миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга услубий-амалий ёрдам кўрсатиб келаётди.

Ўтган давр мобайнида Тошкентда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, миллий ғоя ва халқаро дўстлик, тинчлик ва барқарорлик мавзусларига, ҳуқуқ, бурч ва масъулият масалаларига, Бош Қўму-симиз тарғиботида доир талай семинарлар, илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар уюштирилди, турли-туман фестиваллар ва халқ байрамлари ўтказилди. Шунинг баробарида миллий маданий марказлар учун кўплаб

давара, яхудиёларнинг Рош-а-шана сингари айёмлари ҳар йили нишонланадиган бўлди. Бу муайян миллатнинг ўзига хос миллий маданиятини ривожлантириши билан бир қаторда, ёшларимизни жамики халқлар маданиятига ҳурмат руҳида тарбиялашда ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Табиийки, диёримизда умргузаронлик қилаётган турли миллат вакиллари ўзларига кўрсатилаётган бекиёс ғамхўрликларга жавобан давлат бошқаруви ишларида, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳаётда фаол ва эркин қатнашмоқдалар. Бугунги кунда сенаторлар, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлари, йирик корхона ва ташкилот раҳбарлари турли миллат вакиллари билан иборат. Шаҳар-кишлоқлари-миздаги кўплаб ўзини ўзи бошқа-

риш органларига эса рус, татар, киргиз, қозоқ, украин, арман, тожик ва бошқа миллатларга мансуб оқсоқоллар раҳбарлик қилишяпти.

Мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик ва барқарорлик хорижлик сиёсатшунослар томонидан юсак баҳоланганлигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг оз сонли миллатлар бўйича собиқ Олий Комиссари Кнут Воллебек Байналмилал маданият марказида бир неча бор меҳмон бўлди. Турли миллат вакилларига ўқиш, ўз маданиятларини ривожлантириш борасида яратилган шароитларни кўриб, бу тажрибадан бошқа давлатлар ҳам ибрат олишлари керак, деган фикрни билдирди. Албатта, бу бежиз эмас. Жаҳонда миллий-этник муносабатлар мураккаблашиб, илгор давлатларда ҳам оз сонли миллат вакилларига муносабатларда муаммоли ҳолатлар кузатилаётган бир пайтда турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаётган Ўзбекистон чиндан ҳам бошқаларга намуна бўлиши халқаро миқёсда эътироф этилганлиги юртимиз учун ҳам шарафдир.

Инсониятнинг энг катта бойлиги тинчликдир, тинчликнинг манбаи эса ҳамжихатликда. Ўзаро тотувлик ва дўстлик, бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари барқарор гўшадагина инсон эмин-эркин яшайди, ҳар қандай орзусига эришади. Бизнинг энг катта бойлигимиз, энг асосий ютуғимиз, Ўртбошимиз уқтирганидек, аввало, Ватанимиз осмонининг мусаффолиги, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро аҳиллик ва ҳамжихатлик, дўстлик ва бирдамлик муҳитидир. Бу неъматларнинг қадрига етиш ҳамда турли миллат ва элатлар вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшаётган Ватанимизни кўз қорачи-лидек асраб-авайлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Азиза АБДУРАҲМОНОВА

Илк учрашув

СИЗ ҚАНЧАЛАР ЧИЧКОН



ОНАМГА

Тушингизга кирсам туллари —
Оқшомингиз ўтар тўлгона.
Кунлар ўтар — мени қутасиз,
Соғинтириб қўйдимми, она?

Айвонимиз тўла қадирғоч,
Сувлар тиниқ, ҳаёллар тиниқ.
Аммо нега беором туллалар
Оромингиз бузар хўрсиниқ?

Тугамас ҳам, тўлмас ҳам шамим,
Меҳрингиз ҳам асло тутанмас.

Бу ерларда вақт эринчоқ,
Уйга борсам кунлар бир нафас.

Соғинтириб қўйдимми сизни,
Қадамлари жаннатим, онам?
Қаранг, бутун соғиндим чиндан,
Бутун фақат дийдор баҳонам!

ЧОРЛОВ

Ёнган билан аланга бўлмас,
Юз қизарса, фақат уятми?
Вафо борки, ишқимиз ўлмас,
Ушалмаса ният, ниятми?

Чақмоқ бошқа, осмон бошқадир,
Яшин қаби сапчиган билан.
Беҳуд бўлиб чорлашлар надир,
Тили ёғлаш урф бўлган билан.

Само бўлсанг, Ерни унутма,
Оёқ узинг ҳаммага эғми?
Гарланидиган қарзини унутма,
Бўйинсунинг — енгилмоқ, дебми?

Яшамоқнинг қондаси не —
Яхшиликдир — эртанги умид.
Мен Шоирман, яшайман, де,
Токи бордир Ҳилол ва Хуршид.

ОТА

Отам кўнгли тўлиб кетади,
Йиғламайди, йиғласа бўлмас.
Менинг кучим шеърға етади,
Ёзаману ҳеч кўнглим тўлмас...

Кўзларига қараб синайман,
Қай қадамим бўлганин хато.
Ўзингизга айтиб бўларми —
Сиз қанчалар улугсиз, Ота.

А.АБДУРАҲМОНОВА 1994
йил Сирдарё вилоятида туғилган.
Гулистон давлат университети
филология факултетининг
3-босқич талабаси.

БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИ

шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик белгиланган бўлиши. Бугун эришган барча ютуқларимизга мустақилликнинг илк йилларида Ўртбошимиз бошчилигида қўйилган мустаҳкам пойдевор асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Иккинчи сабаб шуки, бизнинг Ватанимиз Шарқ ва Ғарбни боғлаган, минтақа ва қитъалараро маданий-тижорий алоқаларни кучайтиришга хизмат қилган Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган. Бу ерда қадимдан халқаро аҳамиятга молик савдо, маданият ва фан марказлари очилган, турли диний ободотхоналар қад ростлаган, халқларнинг миллий аънаёлари ва урф-одатлари ўзаро уйғунлиқда ривожланган.

Учинчи сабаб эса, халқимизнинг бағрикенглиги ва саховатпешалиги. Халқимиз Шўрлар замонидан ҳам қатағону қувгинга учраган кўплаб миллат вакилларига бошпана берди, оғир дамларда бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди. Натижада корейслар, немислар, турклар, поляклар, японлар, крим-татарлар ўзбек заминидо доимий кўним топдилар, элимиз меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлиб, қадларини қайта тикладилар. Уларнинг зурриётлари шу тупроқда туғилди, таълим-тарбия олиб воғда етдилар, шу заминда томир отиб, палак ёйдилар, шу масканда оилалари ва бола-чақали бўлдилар, обрў-эътибор қозондилар. Улар учун Ўзбекистон ҳақиқий она-Ватан бўлиб қолди.

Яна бир гап. Ўртбошимиз ташаббуси билан 1992 йили Республика байналмилал маданият маркази (РБММ) ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштиришга, мамлакатимиздаги турли миллат ва элатлар вакиллариининг миллий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва аънаёларини сақлаб қолишга кўмаклашишдан, кенг жамо-

ийўриқнома, йигирмадан ортиқ илмий тўплам ва кўлланма нашр этилди. "Ўзбекистон — умумий уйимиз" албом-китоби, "Ўзбекистон Конституцияси — буюк келажагимиз қафолати", "Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини", "Ўзбекистон — бағрикенг диёр" сингари тўпламлар бунга мисол бўла олади. Пировардида марказимиз Ўзбекистонда яшаётган турли миллат фарзандлари учун сеvimли гўша, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос Дўстлик Қошонасига айланди.

Айни пайтда умумий, ўрта ва олий таълим муассасаларида таълим-тарбия 7 тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, туркман ва қирғиз тилларида олиб борилмоқда. Аксарият маданият марказларида яхшанба кунги мактаблар ва тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган. Унда ўша миллат вакиллариининг она тили ва бошқа тиллар, маданияти, тарихи, санъати ва миллий аънаёлари йўлга қўйилди. Айниқса, арман, яхуди, поляк, татар, литва, грек, хитой ва корейс марказларида бу борада қизгин фаолият олиб борилмоқда. Ҳар йили байналмилал марказда ўзбек, корейс, хитой ва инглиз тиллари бўйича танлов ўтказилади. Мамлакатимизда радио ва телевидение ўз эшиттиришлари ва кўрсатувларини бир неча тилларда узатади, ўндан ортиқ тилларда газета ва журналлар нашр этилмоқда.

Миллий маданий марказларнинг эзгу сазъ-ҳаракатлари туфайли юртимиздаги аксарият халқларнинг янги йилни қутиб олиш, қишини кузатиш, далага қўш чиқариш, экин-тикин мавсуми билан боғлиқ азалий расм-русумлари, ҳосил ва гул байрамлари қайта тикланди. Жумладан, русларнинг Масленица, грузинларнинг Ртвели, чинларнинг Чунцзе, корейсларнинг Оволь-Тано ва Соллар, уйғурларнинг Сайил, болгарларнинг Мартиница, бошқирлар ва татарларнинг Сабантўй, крим-татарларнинг Хедерлез, арманларнинг Вар-

Жон ГОЛСУОРСИ,
инглиз ёзувчиси, Нобел мукофоти соҳиби

ОЛМА ДАРАХТИ

Қадим замонларда улкан олма дарахти бўлган экан. Кичкинтой ҳар кун униинг олдида келишни ва атрофида ўйнаб юришни яхши кўраркан. У дарахт тепасига тирмашиб чиқар, олмасини ер, чарчаса, қуюқ соясида мизғиб оларкан.

У дарахтни яхши кўрар ва дарахт ҳам уни суйиб ўйнар экан. Йиллар ўтиб, кичкинтой улғайибди ва энди дарахт атрофида ўйнамай, узокларга кетибди. Кунларнинг бирида бола дарахт олдида хафа бўлиб келибди.

— Кела қол, мен билан ўйна, — дебди дарахт.
— Мен энди кичкинтой эмасман. Мен энди дарахтларнинг атрофида ўйнамайман, — жавоб қайтарибди бола. — Мен ўйинчоқ ўйнашни истайман, уни сотиб олиш учун менга пул керак.

— Афсусдаман, лекин менда пул йўқ. Аммо шохимдаги меваларимни териб олишинг ва сотишинг мумкин. Шунда сенинг пулинг бўлади, — дебди дарахт.
Бола ниҳоятда ҳаяжонланиб кетибди. У дарахтнинг шохидидаги олмаларни битта қолдирмай териб олибди ва хурсанд бўлиб уйига қайтибди. Бола олма териб кетганидан сўнг, умуман қорасини кўрсатмай қўйибди. Дарахт чуқур қайғуга тушибди. Кунлар кетидан кунлар ўтиб, улғайиб йигит бўлган бола яна олма ёнига келибди. Дарахт хурсандлигидан ҳаяжонланиб кетибди.

— Кел, мен билан ўйна, — дебди у.
— Менинг ўйнашга вақтим йўқ. Ойлам учун меҳнат қилишим керак.

Бизга бошпана зарур. Менга ёрдам бера олсанми? — дебди йигит.

— Кечирасан, менда ҳеч қандай уй йўқ. Аммо шох-шаббаларимни ўз уйингни қуриш учун кесиб олишинг мумкин, — дебди дарахт.

Шундай қилиб, йигит олма дарахтнинг шохларини кесиб олибди ва қувонч билан орта қайтибди. Дарахт унинг севинганини кўриб хурсанд бўлибди, лекин кейин йигит ортага қайтмабди. Дарахт яна бахтсиз ва ёлғиз қолибди.

Иссик ёз кунларининг бирида, ёши ўтганроқ киши бўлиб қайтибди ва дарахт яна шодланиб кетибди.

— Кела қол, мен билан ўйнагин, — дебди дарахт.

— Мен қарияман. Соғлигимни яхшилаш учун денгиз сафарига боришни хоҳлайман. Менга қайиқ бера олсанми? — дебди киши.


— Ўз қайиғингни ясаш учун танамдан фойдалан. Сен узокларга сузишинг ва бахтли бўлишинг мумкин, — дебди дарахт.

Шу тарика киши қайиқ ясаш учун олма дарахтини кесибди. У қайиқ ясаб, денгиз саёҳатига жўнабди. Яна узок вақт давомида қорасини кўрсатмабди.

Ниҳоят, кўп йиллардан кейин чол бўлиб қолганида ортага қайтибди.

— Афсусдаман, болагинам, аммо менда сен учун ортиқ ҳеч нарса қолмади. Бирон донда олмам йўқ, — дебди дарахт.

— Ҳечқиси йўқ, тишлаш учун менда ҳам тиш қолмади, — деб жавоб берибди чол.



Янги таржималар

— Тирмашиб чиқишинг учун ортиқ тана ҳам йўқ, — дебди дарахт.
— Бунинг учун мен ниҳоятда қариллик қиламан, — ташвишлинибди чол.
— Ростдан ҳам сенга ҳеч нарса беролмайман... Биттаю битта қолган нарсам бу — чириётган илдижим, — дебди дарахт кўзида ёш билан.

— Менга ҳозир кўп нарса керак эмас, бор-йўғи нафас ростлаш учун жой керак. Мен бутун ўтган йиллар давомида жуда чарчадим, — дебди чол.
— Жуда соз. Кекса дарахт тўнғаги суянишинг ва дам олишинг учун энг маъқул жой. Келақол, келақол мен билан бирга ўтир ва ҳордиқ чиқар, — дебди дарахт.

Чол ўтирибди, дарахт эса шод бўлиб, кўзида қувонч ёшлари билан жилмайибди.
Қиссадан хисса шулки, ўша киши бу — биз, фарзандлар, меҳрибон олма дарахти эса бизнинг ота-онамиздир. Уларнинг қадрига қадим!

Инглиз тилидан
Мадина ҲАКИМОВА таржимаси,
Самарқанд давлат чет тиллар
институту талабаси.

«САРВГУЛНИНГ СОЯСИНДА СЎЛДИ ГУЛ...»

Ўзбек адабиётида Ойбек сингари Алишер Навоий ва унинг ҳаётини ўрганишда Хусайн Бойқаро подшоҳлик қилган даврни ўрганган киши санокли бўлса ажаб эмас. Адиб Хусайн Бойқарони айрим ўринларда шароит тақозоси билан қоралаган бўлса-да, кўпинча унга хайрихоҳ бўлган.

Ёзувчи тарихий шахслар ҳаёти билан боғлиқ ривоят ва афсоналардаги "уюм-уюм тош ичра" "гавҳардай зиб" берувчи афсоналарни топиб, уларда ифодаланган, шох ва шоир Хусайн Бойқарога тегишли инсоний хислатларни халққа етказишга интилган. Ойбекнинг қалб изтиробларига, айниқса, мос келган ривоят "Гули ва Навоий" афсонасидир.

Шоир халқ афсонаси асосида "Гули ва Навоий" достонини ёзди. Асарда Хусайн Бойқаронинг ҳақиқий тарихий сиймосини яратди. Ойбек унинг шарқона тарбия қўрган инсон сифатидаги характери тўла намойён эти олган.

"Гули ва Навоий"-да у ўша давр тарихий шароитдаги фожиали-драматик ҳолатларни аниқ тасвирлаган. Навоий эл-юрт, улус ғамида шаҳар кезиб юрар экан, тасодифан бир богда сайр қилиб ашула айтиб юрган қизни, яъни Гулини учратиб, севиб қолади. Лекин бу севгисини Хусайн Бойқарога айтишга шарм-ҳаёси йўл қўймайди. Алишер шу бахт оғушида неча кунлар маст бўлиб, узоқ тунларда ғазаллар битириб, Хусайн Бойқаро эса ўзга фикр ва ҳаёлар билан банд. У турли давлат ишлари ҳақида маслаҳатлашиш учун Навоийни саройга таклиф этади.

Дўсти ва маслаҳатчи вазири Алишербекнинг саройга кириб келиши уни руҳлантириб юборади. Лекин дўстининг кечикиб-қуттириб қўйганидан хафа бўлади, ўпкалайди ва қувонганидан унинг истиқболига шошилади:

— Алишербек, Сиз кўп беафқат, Шоира бу ярамас хислат!.. Деб шох турди истиқболига, Шер эгилди ҳазрат олийга... "Алишербек, сарой беклари, Соҳиббал бўлса Сиз каби, Уйқун ҳеч қувмас ваҳим, ғам, Кўнглимиз тинч бўларди ҳар дам..."

Мазкур тасвирда, асар бошидаёқ кўринадики, шох Хусайн Бойқаро кўпгина асарларда танқид қилинганидек, ўта эҳсон, қонхўр, худбин ёки маишатпараст, давлат ишларига бефарқ киши сифатида кўзга ташланмайдиган. Асар тасвирда Хусайн Бойқаро шох бўлишига қарамай, дўсти ва вазири шоир Алишерни ўрнидан туриб қутиб олади. Сўхбатдан кейин ушалмаган орзулари ҳақида сўз юри-

тар экан, унинг қалбида яратувчилик орзуси — бобоси Темурбек сингари мамлакатни обод қилиш, эл-юрт, улуснинг тинч-тотув, фаровон бўлиши ғамида, қўшни эллараро савдо-сотиқ ишларини олиб бориш ва алоқа ўрнатиш учун Навоий берган маслаҳатга муносабатини айтиб:

Алишер Навоий — 575

Шоҳ юзига ёйилур кулгу:
— Мангиди зўр, яхши кенгаш бу!
Лекин, шоир, унутманг, қилч —
Кўп ишларни ҳал қилувчи куч...

деса-да, оддий бир инсон янглиг ўз дўсти Алишерни соғинади, у билан чин юракдан дардлашгиси, юрагидаги аламларни айтиб кўнглини ёзгиси келади.



Кирди Гули олдига богдон:
— Йўқ демагин, кечиргай Язлон...
Қайгурма, Гул, банда ноилж,
Кийгизилди тақдир сента тож...

Хусайн Бойқаро Гулининг барча истакларини бажаради. Гули вафотидан қаттиқ изтироб чекади. Кимда-ким Гули вафоти тўғрисида хабар берса, жазоланади, дейди. Ноилож қолган сарой амалдорлари фақат Алишер ёрдам беришини билиб, унга мурожаат қиладилар. Кўзда ёш, юрагида ғам ва интихосиз алам билан "Шоҳ Бойқаро бир сўз қотолмай" далада йиғлаб турган пайтда, Алишер унга дейди:

— "Соғингизда сўлди Гул чаман..."
— "Сарвадан тобут, гуллардан қаван..."
Деб шоирнинг бўйинга шу он
Ўхшаб отар ўзини ҳокон.
Елкалардан қайқалур тобут,
Кўнгуларда мотам, ғам — булут...

— Ҳукмингизга бўлсин ҳавола,
Назмдан машқ — кўнгулдан нола!

Дўстим, бу ҳам бир ишқ эртаги,
Мен фақирнинг кўнгул эрмаги...

"Шоҳларнинг дарवेशи, дарвешларнинг шоҳи" (Навоий таърифи) Хусайн Бойқаро ўзини оддий фақир инсон каби тутди. Шундай оддий инсоннинг ҳам севилган ҳақиқат борми? Бас, шундай экан, у шох сифатида ҳеч кимга айта олмаган юрак сирларини дўсти ва маслаҳатчи Алишерга ёриштириб табиий...

Шоҳ билан шоир ўртасида бўлиб ўтган сўхбатлар давлат ишларию эл-улус қайғуси билан бирга кўнгли муаммоларига ҳам бориб тақаларди...

Овга кетиш олдидан томошага чиққан ҳалойиқ орасида Гулини

Ойбекнинг "Гули ва Навоий" поэмасида Хусайн Бойқарога тегишли икки ўриндаги тасвирга эътибор беринг. Биринчидан, Ойбек ўзинини унутмаган ҳолда, улғу бобоси қалбида кечган оғир дардларни бирга ҳис этган, унинг дардида ўз дардини қўшиб ёзган. Ойбек тарих саҳифаларидан керакли далилларни излар экан, Хусайн Бойқаро дунёқарашини, унинг инсоний-руҳий кечинмалари ва интилишларини тасвирлар экан, гўё қаҳрамонлари билан бириктириб кетгандай туюлади китобхона.

Олимжон Жўраев,
Жиззах педагогика институтини
профессори

Абдуқаюм Йўлдошев фаол ижод қилаётган иқтидорли адабларимиздан. Унинг "Пуанкаре" ҳикояси қизгин муҳокамага сабаб бўлди. Асар кейинги йиллар насрида воқеа сифатида баҳоланди. Ёзувчининг янги китобига ("Пуанкаре". Ҳикоялар, қисса, сўхбат. "Академнашр", 2014) "Қудук", "Айбдор", "Виждон", "Биз бўлмаган жойларда" каби ҳикоялари ҳам киритилган. Уларда муҳим ижтимоий ҳодисалар қаламга олинган, ўзига хос миллий характерлар яратилган.

ТАСВИР ВА ТАЛҚИН

Тўпلامдаги "Айбдор" ҳикоясида шўрлар даврида "студентлик — олтин даврим" деб мақталган йиллар олтин эмаслиги, "миси чиққаниги", илм қадри, инсон қадри оёқости қилингани тасвирланади. Асарда ўқувчи қалбини ёлқинлатадиган бир образ ҳам бор. Бу — талабалар касал бўлганида уларни далага юбормай, ғамхўрлик қилувчи ҳамшира жувон Ўғилдир. Ёзувчи уни зоҳиран кўрimsизгина, лекин инсоний фазилатлари жиҳатидан гўзал, софидил аёл сифатида тасвирлайди. Ўғилдининг меҳрибонликлари талабалар кўнглига илиқлик бағишлайди. Шу сабабли талабалар унга ҳурмат-эҳтиром билан "Опа" дея мурожаат қилишади.

Абдуқаюм Йўлдошев ҳикояларига хос хусусиятлардан бири шундаки, уларда воқеаларнинг кўламдор тасвири етакчилик қилади. Бу хислат "Айбдор" ҳикоясига ҳам хос. Муаллиф асарда собиқ шўро давридаги пахта яккоҳимчилиги учун курашга алоқадор жамиятнинг ориқли нукталарини, хусусан, кўзбўямачилик, сохта обрў ор-

тиришга интилиш, ўз манфаатини ўйлаган шўхратпарастларнинг оширилган режани бажараман, деб халққа жабр-ситам ўтказишлари китоб-лади.

Халқимиз руҳияти, менталитетида бунёдкорлик, меҳнатсеварлик, илмпарварлик, вақимлик, уят-андиша, сабр-тоқат, шўхроналик каби фазилатлар борлигини кўнглимиз ўсади, фахрланамиз. Лекин, шу билан бирга, ўзини бошқалардан кам эмаслигини, озроқ бўлса ҳам бойлигини билдириб қўйиш, мақтанчоқлик каби иллатлар жамиятдаги мусоффо муҳитга зарар етказиши турган гап. Абдуқаюм Йўлдошевнинг "Биз бўлмаган жойларда" ҳикоясида ҳам шу каби иллатларнинг ёмон оқибатларга олиб келиши тасвирланади.

Асарда ҳикоячи — муаллифнинг (ёки "мен" деб, ўз номидан қаҳрамон билан гаплашаётган дўсти, қишлоқдо-

ши — шоир) характери, ички дунёси, руҳий кечинмалари ҳам ёритилади. Ҳикояда мана шу муаллиф-шоир бошқа қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаши, талқин этишидан ташқари ўзининг ҳам характеридаги бўшанглик, аниқроғи, онг савзелиги, ҳаётга қарашининг торлиги, енгилтаклиги каби иллатларни ҳам англай бошлаши жараёни кўрсатилган. "Орадан йиллар ўтиб, таътилда юрган чоғим, — деб эслайди ҳикоячи, — Дўстбой кўноққа чорлаб, олдимга қуюқ дастурхон ёзган, муштдайгина хотинини зинғиллатиб, "Каттақон"нинг уйдан санчки опкелтирган, қопқорайиб ёрилиб кетган кўлларини яширишга уриниб, ияқ қоқиб, "олинг-олинг" қилган, сўнг газитда "Инсон қалби" деган шигиримни ўқиган, маъқул бўлганини айтганида, мен — университетнинг иккинчи курс толиби, ўзини даҳо ҳисоблаб юрган гўр йигитча... босар-тусаримни билмай, унча-мунча мавзу эмас, нақ Инсон қалби, Шеърят ҳақида бир соат сарғайганманки, эҳ-ҳе, нимасини айтасиз, ҳали-ҳануз ўша олифгагарчилигимни эсласам, юзим уятдан лувуллаб кетади..."

Ёзувчи Дўстбойнинг бевақў ўлимига ҳам шўро давридаги пахта сиёсати, ўзбекчиликка хос урф-одат — дала ишидан бўшамай, касаллигини даволатишга вақт йўқлиги сабаб бўлган. Онги жуда кеч ёришган ҳикоячи дўстининг қабири бошида бундай эслайди: "Сен дунёга келиб нима кўрдинг, Дўстбой; дунёдан рози кет-

Бошланиши биринчи саҳифада.

Чўлпон шеърятда "кишан" тимсолининг кўп қўлланилиши, Абдулла Авлоний тараққиётга тўсиқ бўлган жаҳолат ҳақида бонг ургани, Тавалло ижодида миллат ва миллият масалалари етакчи мавқеа касб этгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Утган асрнинг 60-йилларида кўплаб адиб ва шоирларимиз ўз асарларида истибод чанғилида қолган халқимизнинг орзу-армонларини ўтти мисраларда ифодалагани бунинг далилидир. Зеро, одамлар онгидан истибод зулмати қолдирган асоратларни фақат ва фақат қалб ёлқини билан ёзилган бадий асарларгина кетказиши мумкин эди.

Истиқлолга эришганимизга қарийб чорак аср бўляпти. Тарихи буюк давлатимизнинг буюк келажаги пойдеворини мустақамлаётганимиз, интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият борасида юксак марраларни қўлга киритаётганимиз бугунги кунда замоннинг ўзи олдимизга нечоғли кескин муаммоларни қўйётгани сир эмас. Бу эса, ижод аҳли зиммасига янада улкан масъулият ҳиссини юклайди. Муҳтарам Юртбошимиз Ислам Каримов "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажақга эътибор" рисоласида таъкидлаганидек: "Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариётнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсофидиёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда".

Айни шу жиҳатдан бугун ижодкор зиёлилар олдида қандай вазифалар турибди? Улар асосий эътиборни нима-ларга қаратмоқлари керак? Шу ва шу каби саволлар кўпчиликини ўйлантириши аён. Аввало, бугунги кунда энг глобал муаммолардан бирига айланаётган тинчлик ва оқоийшталликни асраш борасида ёзувчи ва шоирларимиз ташаббускор бўлишлари зарур. Экстремизм ва терроризм одамлар онгини заҳарлаш йўлида барча имкониятларини сафарбар этаёттир. Ҳаётий тажрибаси кам, илму маърифатдан бебаҳра, дунёқараш торт ёки турмуш машаққатларидан эзилган жуда кўп одамларни ўз гоғларига эргаштирмоқда. Одамларнинг тинч ҳаётига оғу солмоқда. Наҳотки, юксак маҳорат соҳиби бўлган ёзувчи-шоирлар катта таъсир кучига эга асарлари, ёрқин фикрлари, бетақдор образлари билан инсониятни эзгулик йўлида бирлаштиришга қодир бўлмасалар... Наҳотки, бу ҳолатга бефарқ қарашса...

Ижодкорлар бу жараёни лоқайд қузатяптилар, дейиш ноўриндир, балки. Ушбу мавзуга дахлдор асарлар кам бўлса-да, ёзилляпти. Лекин бу етарли эмаслиги аён. Адабиётнинг, сўзининг қудратидан зарур даражада фойдаланилмаётганидан асло кўз юмил бўлмайди.

Бугун дунёнинг бир қанча давлатларида маънавий бузқулик, ахлоқий тубанлик қонун ҳимоясига олинмоқда. Ҳолбуки, ўша мамлакатлар, миллатларда адабиёт мавжуд эмасми?! Ваҳоланки, бир пайтлар ўша халқлардан беқиёс бадий асарлари билан жаҳон адабиёти ривожига катта таъсир қўрсатган, жамият маънавиятини турли иллатлардан асраш йўлида фидойилик қилган буюк адиблару шоирлар етишиб чиққанини биламиз-ку! Бугунги кунда инсоният учун иснод бўлган бундай бузқуқларга қарши бутун олам шоирлари, ёзувчилари бонг урса арзийди-ку аҳир!

Мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон минбарига ўз сўзини айтётгани кимларнингдир гашини келтириши, кимларгадир маъқул бўлмаслиги аниқ. Ёрқин ва обод жамиятнинг барпо этиш йўлидаги муваффақиятларимизни кўра олмайдиганлар етарли. Бу борадаги ютуқлар ўзимизники. Олдимизга ҳаётнинг ўзи қўйётган муаммолар ҳам кам эмас. Бинобарин, мустақилликни мустақамлаш, эришилган муваффақиятларни янгилаши билан мунтазам бойитиб бориш, буюк мақсад йўлида собитқадмлик кўрсатиш ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Ижод аҳли ана шу жараёни бор мураккаблигига зиддиятлари билан бадий асарларга айлантириши, одамларнинг орзуларига қанот бағишлаши зарур. Табиийки, қуруқ даъватлар, таъсирсиз нақирқлар шаклидаги "асар"лар билан бу мақсадга эришиб бўлмайди. Бунда ёрқин истеъдод ўзини кўрсатмоғи керак. Фасоҳатга йўғрилган тил, юксак бадият, жонли образлар орқалигина одамлар кўнглига йўл топиш мумкин.

Китоб ўқимайдиган, зарур ахборотни фақат мобил телефон ва ё Интернет орқали оладиган ёшларга-чи, қандай таъсир қўрсатиш мумкин? "Модомики шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб фақат нолиб ўтирмасдан, ана шу таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, Интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш зарур", дейди бунга жавобан Президент Ислам Каримов.

Тан олиш керак, бугун она тилимиздаги Интернет адабиётини шакллантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг ўз веб-сайтларини ташкил этиши борасида сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, www.iod.uz, www.e-

дингми, Дўстбой; биз сени тушунишга уриндикми, Дўстбой; сен ўша олис-олис, биз бўлмаган жойлардан нималарни излагандинг, Дўстбой; сен бизни қарғамадингми, Дўстбой; сен бизга ачинадигинми, Дўстбой; сен ёлғиз эдингми, Дўстбой?". Бу саволларга энди, Истиқлол замонида жавоб топишмоқда. Дўстбой ўша вақтлари ёлғиз эмас эди. Миллий маданиятимиз сарчашмаларини, халқимиз маънавияти хазиналаридан хабардор ёшлар "биз бўлмаган жойларда" эмас, ўз Ватанимизда турли иллатлардан қутула бориб, ёрқин, соғлом, фаровон ҳаёт қуриши орзу қилар эдилар... Одамларнинг феъл-атворида ўзгариш содир бўлишида бадий адабиётнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бадий асар жамиятнинг бир неча авлодини соғлом руҳда тарбиялай олиш қудратига эга бўлган маънавият устундир.

Истеъдодли ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошевнинг ҳикоялари шу маънода халқимиз онгини ўстиришга, маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Дамин Тўраев,
филология фанлари доктори,
профессор

adabiyot.uz, www.kutubxona.uz, www.ziyouz.com, www.ziyou-net.uz сингари, шунингдек, кўпгина ижодкорларнинг алоҳида веб-сайтлари ёшларимизнинг бу борадаги эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилляпти. Навқирон авлод-ни замонавий ахборот технологиялари орқали мумтоз адабиётимизга, айниқса, улғу мутафаккир Алишер Навоий меросига яқинлаштириш, бу нодир маънавий хазинадан кўпроқ баҳраманд қилиш мақсадида ташкил этилган www.alishehnavoiy.uz, www.navoiy.natlib.uz каби веб-сайтлар фаолияти эътиборга лойиқ. Бироқ, табиийки, буларнинг ўзинигина етарли деб бўлмайди. Бундан кейин ҳам бадий адабиёт тарғиботининг янгидан-янги, энг замонавий шакл ва усулларини ўйлаб топишимиз, навақирон авлодни унга кенгроқ жалб этиш борасида муттасил изланишимиз зарур.

"Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида давлатимиз раҳбари ижодкорлар олдида қуйидаги вазифаларни қўйган эди:

— бугунги авлодларнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти, замондошларимизнинг маънавий-руҳий дунёси, ёшларнинг пок орзу-интилиши ўзининг теран бадий ифодасини топган янги асарлар ижод қилиш;

— миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналарини чет тилларга таржима қилиш ва шу асосда халқимизнинг ҳаёт тарзи ва инсоний фазилатларини кенг намойиш этиш борасида кўзга кўринадиган амалий натижаларга эришиш;

— адабиётимизнинг энг етук асарларини бевосита она тилимиздан фарб ва шарқ тилларига таржима қилишга қаратилган ишларни қучайтириш. Чет эл-

СЎЗ ҚУДРАТИ

лик моҳир таржимонлар билан бирга мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълими олаётган истеъдодли ёшларни мана шу ма-

шаққатли, айни пайтда олижаноб ишга жалб этиш. Утган йиллар давомида бу борада сезиларли муваффақиятларга эришилди. Миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналарини бевосита она тилимиздан фарб ва шарқ тилларига таржима қилиниб, нашр этилди. Жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилиш борасида кенг қўламдаги ижодий ишлар амалга оширилмоқда. Бу муҳим ишга истеъдодли ёш таржимонлар ҳам кенг жалб этиляпти. Бироқ бу борадаги ютуқлар микёсини янада кенгайтириш, таржималар савиясини ҳозиргидан ҳам юксалтириш — замон талабидир.

Бугун ёш истеъдодларга қўрсатилган алоҳида эътибор улар қалбида янги ютуқлар сари интилиш ҳиссини қучайтирмоқда. Энг иқтидорли ёшларнинг асарлари "Ижод" фонди маблағлари хисобидан кўпلىгич нусхада чоп этирилиётгани, айниқса, навақирон авлод ижодида қанот бағишляпти. Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этиляётган ёш ижодкорлар семинарлари уларда устоз адиблар маҳорат мактабига сабоқ олиш, ўзаро фикр алмашиш, ижодий мулоқотга киришиш имконини яратмоқда. Бироқ бу борада ҳам олдинда кечиктириб бўлмайдиган ишлар борлигини таъкидлаш керак. Ижод, энг аввало, билимга таяниши, адабиётнинг назарий масалаларини, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини ўрганмасдан туриб, ижодий қамолот ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини ёшлар онгу шуурига сингдиришимиз керак. Ана шу машаққатли меҳнатдан ҳаловат топа билсанга улар ижодида чинакам ўсишга эришиш мумкин.

Яна бир муҳим масала — ижодкорнинг эл-юрт олдидаги фуқаролик тутуми ва масъулиятини, фарзандлик бурчини чуқур ҳис этиши ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Ахир адабиётимизнинг минг йиллик тарихида Махмуд Қошғарийу Алишер Навоийдан бошлаб, не-не буюк шоирлар адибларимиз она юртин мукаддас деб билишган, она халқимизнинг обрўси, она тилимизнинг шаънини кўз қорачиғидек асрашга интилишган. Бундай фазилатлардан маҳрумлик ижод аҳли учун номуносиб қўрилган. Ана шу қўтлуғ аънанани муносиб давом эттириш замондош шоирлару ёзувчиларимиз учун ҳам фарз ва қарз ҳисобланади. Зеро, ҳар доим ҳаётнинг ичиди бўлиш, юксак бадий асарлари билан элнинг дардидаги малҳам қўйишга интилиш, мураккаб шароитларда ҳам ҳақиқат ва адолат тантанаси учун курашиш — чинакам истеъдод эгаларининг қисмати ана шу.

Ўз жафо қилса менга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айламон — деган ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли барча замонлардаги ижодкорлар учун намуна, мезон бўла олади.

Кўриниб турибдики, таяниш мумкин бўлган мезонларимиз бор. Ўрнак, намуна олса арзигулик мутафаккирлар авлодимиз. Салоҳиятли замондош ижодкорлар етарли. Галдаги вазифа, кўнгулларда эзгуликка муҳаббат қўлларини алангалатувчи, жамиятда ахишликни пойдор этувчи бадий сўзининг қудратини юксак истеъдод асосида яратилган асарлар орқали тўлақонли намойён этишдан иборатдир.

Нурбой ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети профессори,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Журналларни варақлаганда

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ" 2015 йил, октябрь сони

Журналнинг навбатдаги сониди испан миллий маданияти: адабиёти, тасвирий санъати, мусиқаси, театри ва киноси ҳақида талайгина материаллар берилган. Хуан Боскон-и-Алмухавира, Гарсиа де ла Вега, Хуан Рамон Хименес каби испан шеърятининг мумтоз вақиллари ижодида намуналарни М.Махмудов, О.Мухтор, Ў.Жолдоров, Э.Жоникюлов таржималарида ўқийсиз. "Устоз таржимонлар бисотидан" руқни остида Федерико Гарсиа Лорка поэзиядан Шавкат Раҳмон таржима қилган бир туркум шеърлар, "Ҳикоя ҳақида ҳикоя" руқидида Олим Отахонов ўғирган танқиди испан адиблари Шоан Игнасио Тайбо ва Хуан Бенет новелларни журналнинг ушбу сони мундарижасига алоҳида салмоқ бағишлаган.

"Форсайтлар ҳақида қисса" номли трилогияси билан кенг шуҳрат қозонган инглиз адиби Жон Голсуорсининг "Мулқдор" романидан Ҳабиба Зиёхонова ўзбекчалаштирган пар-

ча ҳам муаллифнинг бадий салоҳиятидан, ҳам мутаржима маҳоратидан далолат бериб турибди.

Журналнинг ушбу сониди мумтоз ва замонавий адабиётнинг энг долзарб масалаларига бағишланган бир неча мақола босилган. Жумладан, Улғубек Долимовнинг Исоқхон Ибратнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги "Жаҳонгашта ижодкор", Иброҳим Ҳақуқнинг "Рухоният ва нафсоният тазоди" мақолалари мумтоз адабиётимиз муҳлисларида катта қизиқиш уйғотса, Қозоқбой Йўлдошнинг "Постмодернизм: моҳият, илдишлар ва белгилар" мақоласида ҳам "Жараён" руқидида берилган, адабий жараённинг туб масалалари қизгин муҳокама қилинган "Икки авлод овози" сарлавхали сўхбат мутахассиси ва ижодкорларни баҳс-мунозарога чорлаш билан аҳамиятлидир.

Шундай асарлар билан бир қаторда журналнинг ушбу сонидида "Фарҳод ва Ширин" достонининг рус тилига насрий таржимаси, Ю.В.Чаманзминининг "Икки ўт орасида" романи, Л.Россининг "Хемгуэй портрети" асари давомини ҳам ўқийсиз.



Боболаримизнинг беназир заковати туфайли юзага келган номоддий маданий мерос ёдгорликлари хусусида гап борганда, кўпинча “Халқ ижоди — қайнар булоқ” деган нақл кўнгилмиздан кечади.

Чиндан-да, чанковизнинг поёнсиз кўнгил кенгликларига жо бўлган туй-гуларни тараннум этувчи сирли навоарию халқимиз тарихининг шарафли ва боқий қўшиғи “Алпомиш”-ни қўйлаётган бахшининг жозибдор бадиҳаси, фарзандига алла айтаётган онанинг меҳр байтларию, “остонаси кўлига уй”га энтиқиб қадам ташлаётган келинчақнинг пойига қўшиқлардан пояндоз тўшаётган момоларнинг бетакрор наволари маънавиятимизнинг ҳақиқий сарчашмаларидир. Ғоят қадимий ва серқирра номоддий маданий мерос билан боғлиқ бўлган анъаналар асрлар бўйи яратилиб, халқимизнинг улкан ижодий даҳоси туфайли сайқал топиб, гўзаллашиб келган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, халқимизнинг маънавий баркамолликка етишишида жуда муҳим аҳамият касб этган ана шу нодир бадиий қадриятларни кўз қорачиқдай сақлаш, миллий бадиий тафаккур мўъжизаси сифатида асраб-авайлаш, халқ ижодиёти янада такомиллаштириш, унинг энг яхши намуналарини

за қилиш Давлат дастури- лойиҳасини тайёрлаш устида жадал иш олиб борилаётгани мамлакатимизда халқ ижодиётини ривожлантириш ва унинг қадимий анъаналарини сақлаб қолишга катта аҳамият берилаётганининг ёрқин далилидир. Ушбу “Давлат дастури” ижросини таъминлаш мақсадида юртимизнинг қадимий фольклори ва номоддий маданий мерос ёдгорликлари сақлиниб қолган ҳудудлари бўйлаб комплекс фольклор экспедициялари уюштириш асосида халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини ёзиб олиш, нодир фольклор кўлампаларини босма кўринишда ва замонавий дисклар ҳолида чоп этиш, Наврўзнинг тикланиш тарихи ва мустақиллик йилларида мазмунан ва шаклан бойиши жараёнини тадқиқ этиш, “Алпомиш”, “Гурўгли” сингари достонларни фундаментал илмий тадқиқ этиш ишларини янада кучайтириш, уларнинг энг яхши намуналарини нашр этиш ишлари жадаллаштирилди. Халқимиз бадиий даҳосининг мухташам қадриятлари — “Бойсун” маданий мухити,

Жуманбулбул ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли, Умир шоир Сафар ўғли вариантлари, шунингдек, “Тоҳир ва Зухра”, “Ёзи ва Зебо”, “Юсуф ва Аҳмад”, “Гурўглининг туғилиши ва болалиғи”, “Гулихиромон”, “Қиронхон”, “Ширин билан Шакар”, “Маликаи айёр”, “Ёдгор”, “Алибек билан Болибек”, “Рустамхон” каби достонлар, ўзбек халқ маросим қўшиқлари, ўланлар, топишмоқлар, ўзбек халқ эртақлари матни асосида мазкур кўпжилдликнинг дастлабки 25 жилди нашрга тайёрланди. Институтнинг ноёб илмий объекти — Фолклор архиви материаллари асосида тайёрланаётган мазкур 100 жилдлик ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди асарларининг энг мукаммал намуналарини қамраб ола-

Халқ оғзаки ижоди

ди. Бу мухташам нашрнинг 57 жилди достонлар, 10 жилди халқ қўшиқлари, 12 жилди эртақлар, шунингдек, терма, афсона, ривоят, нақл, мақол, топишмоқ, аския, лоф, латифа, оғзаки драма, болалар фольклори ва бошқа жанрлардан иборат бўлиши режалаштирилган. Яқинда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида ушбу мухташам нашрнинг илк жилдлари чоп этилди.

Бугунги кунда ўзбек фольклоршунослик мактаби



“Шашмақом”, “Наврўз” байрами, “Катта ашула” ва “Аския” ЮНЕСКО томонидан “Жаҳон номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхати”га киритилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш қўлампалари” номи фундаментал лойиҳа асосида кенг қўламли илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу инновацион илмий лойиҳани амалга оширишдан кўзда тутилган асосий мақсад — халқимиз бадиий тафаккурининг тарихий-тадрижий ривожини тарқатиёт қонунчилигини ўзида акс эттириладиган “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдигини асар матни, илмий тадқиқот, изоҳ ва луғат, нота ёзувлари, рус ва инглиз тилидаги резюме, фотоматериаллар билан нашрга тайёрлашдан иборатдир. Ҳозирга қадар ушбу лойиҳа асосида олиб борилган тадқиқотлар натижада “Алпомиш” достонининг Фозил Ўйдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан, Берди бахши, Бекмурод Жўрабой ўғли, Эргаш

ўзининг янги тараққиёт босқичига кирди. Эндilikда номоддий маданий меросимизнинг энг гўзал намуналарини сақлаш, муҳофаза этиш ва тарғиб қилишнинг назарий тамойиллари, фольклор поэтикаси, ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодининг туркий халқлар фольклори контекстидаги ўрни, фольклор типологияси, семиотикаси ва семантикаси, лингвофолклористика, этнофолклористика, археологистика, палеофолклористика, мифопоэтика, фольклор прагматикаси бўйича тадқиқотлар яратилляпти. Ҳозир ўзбек олимлари халқ ижоди асарларини тўплаш ва системалаштиришда жаҳон фольклоршунослигининг энг янги ва илғор тажрибаларини амалиётга жорий этмоқда ва шу асосида фольклор асарларини тўплаш ишига рақамли ёзув технологияларини жорий қилиш, компьютер технологиясини қўллаш орқали ушбу жанр системалаштириш принципларини ишлаб чиқиш ва ўзбек фольклорининг электрон фондини яратиш ва у билан боғлиқ бошқа долзарб вазифалар борасида изчил иш олиб боришмоқда.

Маматқул ЖўРАЕВ,
филология фанлари доктори

Халққаро эътибор

Ўзбек миллий музыка санъати асрлар мобайнида сайқал топиб, бойиб борган улкан хазинага эга. Пойтахтимиздаги Санъатшунослик институтида “Номоддий маданий меросни сақлашда рақамли технологиялардан фойдаланиш ва номоддий маданий меросни ҳужжатлаштиришга кўмаклашиш” мавзусидаги халққаро лойиҳа натижаларига бағишланган семинар-тақдирот ана шу бебаҳо меросга эътибор жаҳон миқёсида ҳам юксаклигини кўрсатди.

Тадбир давомида лойиҳага етакчилик қилган институтнинг мутахассис ва олимлари сўзга чиқиб, амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот беришди. Жумладан, ЮНЕСКОнинг Оснн ва Тинч океани минтақаси номоддий маданий мероси бўйича халққаро ахборот ва ҳамкорлик маркази ICHAP кўмагида санъатшунослик институти фоноархивида сақланаётган магнит тасмалар рақамли шаклга ўтказилди. Натижада, этномусиқашунослик экспедициялари вақтида ёзиб олинган мўтот ва фольклор йўналишдаги нодир музика асарларининг CD ҳамда DVD дисклардаги тўплами яратилди. Мутахассислар лойиҳа натижаларини хориждаги тадқиқот институтларига ҳам тақдим этиш режалаштирилганини таъкидлашди. Тақдирот сўнггида мамлакатимиздаги олий ўқув юртиларига юқоридаги тўпламининг илк намуналарини топшириш маросими ҳам ўтказилди.



Элдор МУХТОРОВ, санъатшунослик фанлари доктори, театршуно:

— Ўзбек музика тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган манбаларга замонавий технологиялар асосида янги ҳаёт бағишланаётгани катта воқеа. Бу келажадаги тадқиқотлар учун ҳам кўмак бериши шубҳасиз. Мисол учун, театр йўналишида ҳам мана шундай лойиҳалар уюштиришга катта эҳтиёж бор. Умуман, тарихий-бадиий қимматга эга манбаларни келажақ авлодга бус-бутун етказиш ўзбек санъатшунослиги олдидаги муҳим вазифалардан бирига айланган.

Ўз мухбиримиз.

ЖАННАТНИНГ СЕҲРИ СОЗИ

Пойтахтимиздаги 23-болалар музика ва санъат мактабининг 3-синф ўқувчиси Жаннат Хусайнзода беш ёшидан бошлаб фортепианода музика чалиш билан шуғулланади. Эндигина ўн ёшга тўлганига қарамай, истеъдодли, устозлари ёрдамида музиканинг сирли оламида жиддий ютуқларни қўлга киритаётган қизча дастлаб 2011—2012 йилларда “Янги авлод”

циянинг Афина шахрида халққаро танловда қатнашиб, лауреатликини қўлга киритган бўлса, май ойида Франциянинг Париж шахрида бўлиб ўтган халққаро фестивалда танловнинг олтин медалига сазовор бўлди.

Бу истеъдодли қизни тенгдошлари кўплаб музика асарлар муаллифи сифатида ҳам яхши билади-



Бу йил ҳам Ж.Хусайнзода учун омадли кечди. Йил бошида “Ўзбекистон ёш истеъодлари” камер оркестри билан иккита концерт дастурида қатнашди. Апрель ойида Гре-

лар. Унинг фортепиано, чолғу ва вокал музикаларини ўз ичига олган иккита музика асарлар тўплами чоп этилган.

Истиқдол фарзандлари

теъдодлари” камер оркестри раҳбари Муборак Лутфуллаева эса Жаннатга дирижёрлик пулти ва таъқчасини бошқариш борасида устозлик қилмоқда.

Яқинда консерваториянинг орган залида Ж.Хусайнзоданинг яккахон концерти бўлиб ўтди. Икки қисмдан иборат дастурнинг биринчи қисмида Жаннат ўзининг фортепианода ижро маҳоратини кўрсатган бўлса, иккинчи қисмда унинг оркестрга дирижёрлик қилиш қобилияти намойён бўлди. Концерт давомида Бах, Моцарт, Бизе, Брамс, Штраус каби жаҳон композиторларининг дурдона асарлари билан бирга, ёш қизалоқнинг фортепиано ва оркестр учун ёзилган ижод намуналари ҳам янгради.

Мазкур концерт дастури санъат ихлосмандлари олқишига сазовор бўлди.

Шахноза АБДУРАЗЗОҚОВА

Замонавий ўзбек театри бугун ўзига хос тараққиёт йўлини топиш борасида жиддий изланишлар олиб бормоқда. Мустақиллик йилларидаги театр амалиёти бунинг ёрқин далилидир. “Дийдор” театр-студиясида режиссёр Б.Ўйдошев сахналаштирган “Хотирам синиқлари”, Миллий академик драма театрининг “Ойдин”, Ёшлар театрининг “Нарру энд”, Рус академик драма театрининг “Ретро” спектакллари бунга мисол бўла олади.

Ҳозирги кунда ўзбек театри янги сифат ўзгаришларини бошдан кечирмоқда. Миллий қадриятлар, асрдан асрга ўтиб келаётган маънавий мезонларни ҳаққоний акс эттириш, репертуарда, актёрлар ижросида, сахна тили стилистикасида миллий анъаналарни қайта тиклаш ҳар бир жамоа олдида турган асосий вазифа эканини театр раҳбарлари тушунадилар. Айни пайтда етакчи режиссёрларимиз ҳам бир қобик ичида ўралашиб қолаётганлари йўқ. Улар ўзбек миллий театри тўплаган тарихий тажрибанинг энг яхши жиҳатларини сақлаб қолган ҳолда жаҳон театри жараёнларидан хабардор бўлиб, энг яхши намуналардан ўз ижодларида фойдаланиш борасида иш олиб бораётганлар.

Театрлар репертуарини асосан тарихий ва замонавий йўналишдаги тематика ташкил этади. Мавзулар, усул-

аҳамиятга эга.

Энг аввало, жанр ва услуб йўналишидаги изланишлар билан боғлиқ сахнавий талқин масаласи муҳим ва долзарблигига қўлиб келмоқда. Песани қўлга олиб, мавзунини белгилаб, мазмунини шакллантиришнинг ўзи камлик қилади. Асосийси, буларнинг барчасини сахна воситалари асосида акс эттириш, амалда намойён қилишдир. Бу борада ижодкор кенг мушоада юритиши учун жуда катта имкониятлар мавжуд. Режиссёрга фақат қўли сезгиларнинг ўзи камлик қилади. Режиссёрда у ёки бу песани сахнага қўйиши учун драматургик материални танлай билиш қобилияти ҳам бўлиши керак. Зеро, спектакл яралиш жараёнида режиссёр етакчи, раҳбарлик қилувчи, ташкил этувчи асосий шахс экани ҳеч кимга сир эмас. У жамоани бирлаштирувчи куч, театрнинг ғоявий, бадиий

ДУНЁ САНЪАТИ ВА ЎЗБЕК ТЕАТРИ

лар ва услублар ранг-баранглиги ўзбек театрининг замонавий қиёфасини белгилайди. Ҳозир мамлакатимиз етакчи театрлари сахналарида намойиш этилаётган спектакллари томошабинлар яхши қабул қилинган. Шу билан бирга, мазкур спектакллар у ёки бу жамоа қандай масалалар билан банд, улар учун бугун энг муҳими нима, деган саволларга очик-ойдин жавоб беради. Яъни бугун театр учун сахнавий шакл топиш йўлида изланиш ёки янги мавзунини очиб бериш муҳими, ё бўлма-са, инсонлар тақдирини сахнада акс эттириш асосий вазифаи? Буларнинг барчаси биринчи навбатда репертуар, яна ҳам аниқроғи, замонавий драматургия муаммолари билан бевосита боғлиқ. Зеро, театри драматургиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Драматургик материал эса тарихимизда ҳам, бугунги кунимизда ҳам истаганча топилади. Бинобарин, драматургиямиз олдидаги вазифа одамларни бор нарсалардан воқиф этиш, халқимизга хос бўлган юксак инсоний фазилатларни, инсонпарварлик, меҳрибонлик ва ҳамдардлик хислатларини сахнада намойён қилишдир.

Шу ўринда табиий савол туғилади: бизнинг томошабинга бугун айнан нима керак, уни қайси мавзулар, зиддиятлар, характерлар қизиқтиради? Ўйлаймизки, нихоятда муҳим бўлган бу саволлар театр ижодкорларидан жиддий эътиборни талаб қилади. Бунда фақат томошабин қизиқишларини аниқлаб олишнинг ўзи етарли эмас. Балки бугун театрга қандай томошабин киряпти, деган саволга жавоб топиш ҳам нихоятда муҳим. Томошабин эса фақат ёш жиҳатдан эмас, ақлий тайёргарлик бобида ҳам хилма-хил. Шунинг учун театр арбоблари олдида замонавий мавзуга ҳамда миллий мўтот меросимиз, жаҳон классикасига мурожаат қилишда янги даврни назарда тутиш вазифаси туради.

Ҳўш, шу кунларда томошабин қандай спектакллари кўрапти, режиссура изланишларидаги асосий йўналишлар нималардан иборат? Табиийки, ўзига хослик йўлидаги изланишлар давом этапти. Театр бугун техник жиҳатдан янгиланяпти. Шунинг учун у кундалик ҳаётдан ёрқинроқ бўлиши ва турмушнинг абадий муаммоларини ҳар сафар сахнада янгиҳасага халқ этиши лозим.

Муҳими шундаки, театр бугун ҳар қандай кўрсатмалардан холи. Режиссёрлар труппа фаолиятини қандай шакллантириши, қандай ифода воситаларидан фойдаланиши, кечинма санъати ёки томоша санъатига таяниши, умуман, барча ижодий жараёни ўзлари мустақил хал қила оладилар.

Бу жараёни бошқариш эса, шубҳасиз, осон эмас. Чунки театр изланишлар жараёнида фақат анъаналарга таяниб қолмасдан, янги санъатий талқинлар топишга ҳаракат қилиши лозим. Ана шундай мураккаб бир шароитда театр санъатида анъаналарга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этиб борапти. Бунда Шарқ классикасига мурожаат қилиш, ўтмишни замонашлар кўзи билан кўриш, уни имкон қадар тўлиқроқ тушуниш алоҳида қизиқ уйғотаяпти. Сахналаштириш жараёнида бунини амалга ошириш учун жанр ранг-баранглигининг турли кўринишларидан фойдаланиш мумкин. Миллий театр, музика, адабиёт, тасвирий санъат каби йўналишларнинг бош анъаналарига алоҳида эътибор қаратиш бу борада муҳим

дастурини белгилувчи одам. Асосий масала “Маърифат бериб тарбиялаш керакми ёки кўнгил очиш йўли билан маърифат бериб тарбиялаш муҳими?”, деган саволга бориб тақалади.

Сахналаштирувчи режиссёр фақат театрдагина эмас, бошқа соҳаларда ҳам дунё бўйича ноёб касб. Истеъдодли режиссёрлар ҳаминша ҳам туғиллавермаслиғи бор гап.

Шунинг учун маҳоратли режиссёрнинг масъулият даражаси ҳам жуда юқори. Айни пайтда, режиссёр ва сценарист — сахна безатувчиси

ўртасидаги ижодий ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Театр амалиёти шуни кўрсатадики, бу икки касб эгасининг ҳамкорлигисиз бадиий мукаммал сахна асари яратиш мумкин эмас. XIX аср охири ва XX аср бошида режиссёрлар Адольф Аппиа ва Гордон Крэг спектаклни безаш бўйича янгиҳа қарашни ўртага ташладилар. Улар безаш бу “воқеа жойини тасвирлаш эмас”, балки спектаклнинг ғоявий-бадиий талқинини образли ифодалаш эканини исботладилар. Ўша пайтда ижодкорларнинг бу қарашлари замонавий театр учун воқеликка айланиши, сахна безага эса спектаклнинг яхлитлигини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлиб қолиши кимнинг ҳаёлига келибди, дейсиз. Режиссёрлар сахнага матнни кўчиришнинг турли усулларини топишга ҳаракат қилишяпти. Бугун театр жанри тушунасининг ўзи ҳам ўзгариб борапти. Театр жанрларида томоша санъатининг қадимий турларини (рақс, қўшиқ, музика) биргаликда қўллаш, ифодавийликнинг хатти-ҳаракат, пантомима, қўшиқ-рақс, кўйирчоқлар сингари ғайриоддий шакллариға мурожаат қилиш ҳоллари кўзга ташланапти.

Ана шундай бир пайтда замонавий дунё театри жараёнининг етакчи йўналишлари қандай, деган савол туғилади. Бу борада услуб ва жанрлар хилма-хиллиги кўзга ташланади: пантомима театри, сўз театри, рақс театри, кўйирчоқлар театри, никоблар театри, дель арте театри усул ва воситаларидан фойдаланиш, Но ва Кабуки шарқ театрлари. Замонавий театрда кинематограф усулларини, компьютер технологияларидан олинган ифода воситаларини қўллаган ҳолда, фаол тажриба ўтказиш жараёни кечмоқда. Бунини биз Наби Абдурахмонов раҳбарлигидаги Ёшлар театрида сахналаштирилган “Нарру энд”, “Оловуддиннинг сеҳрли қирғоғи” спектаклларида кўришимиз мумкин.

Канадалик театр режиссёри Робер Лепаж мураккаб чироқ техникаси ва мультимедиадан унумли фойдаланган ҳолда ижод қилади. Унинг ишларининг ноёблиги махсус техник ёриткичлардан мохирона фойдаланишдагина эмас, балки образ, видео ва сўздан фойдаланиб, XXI аср театрининг янги шаклини яратаятганида.

Таниқли япон режиссёри Тадаши Судзуки шундай деган эди: “Театрнинг самарали ривожланиши тор миллий ўзига хосликларни энгиб ўтиш, услублар, ҳатто театр мактабларини фаол уйғунлаштириш билан боғлиқ”. Балки миллий театримизнинг ривожланиш истиқболи айнан шундадир. Маълумки, театр томошабини шакллантиради, лекин ҳозир кўпчилик томошабин театрини шакллантиряпти. Бунини ҳам ўйлаб кўриш керак.

Муҳаббат ТўЛАХЎЖАЕВА,
санъатшунослик фанлари доктори

КАМСУҚУМ ШОИР



Ёқуб ХЎЖАЕВ

ДАҚИҚАЛАР ЮГУРАДИ

РАССОМ

Оқ қоғоздан ўрин олди,
Уй ва ҳовли, гиштин печка.
Енг шимариб меҳнат қилдим,
Чўзмасдан ишни кечга.
Шўх болакай суратига,
Оғиз чиздим, қулоқ қилдим,
Булбул созин тингласин деб
Куёш билан иноқ қилдим.
Дала-дашттин, дарёларини,
Дўстларини ўйласин деб.
Бахтли ёшлик тўғрисида,
Барчамизга қуйласин деб.
Атай битта нусха қилдим,
«Ёз» деб номин қисқа қилдим.

УЧ ҚОШИҚ ВА БАЛИҚ ЁҒИ

Баҳодир бақирар,
Ёрдамга қақирар.
— Балиқ ёғи —
Сассиқ экан.
Доридан ҳам
Аччиқ экан.
Ичмайман, — деб
Безиллайди.
Бизларга-чи
Сезилмайдиган.
Ойинига ўқитар,
Эрта билан
Уч қошиқ,
Бу кўп-да,
Ҳалдан ошқ.

Дўхтир аста
Тушунтирар.
Баҳодир-чи,
Тархашлик
Қилар
— Ҳа биламан,
Бу ёғ тахир.
Тонгда уч қошиқ
Кўп-да ахир.
Она бошқа,
Йўл тутайди:
— Баҳодиржон,
Жон болам!
Ўзим гиритгон
Болам.
Эрталаб икки
Қошиқча
Шомдагиси
Сал ошқича.
— Хўп ойишон,
Бу бошқа гап!
Бир қошиқни,
Қоламиз тежаб...

“АЗИМ — КЕЙИН”

Дўстим сўрар маслаҳат,
Мен нима дейин?
Азимжоннинг баҳонаси
— Хўп, майли, кейин.
Йўлдан урар дангасалик,
— Шомдагиси, Азим
Дарсининг кўйи, стадионга
Борининг лозим.

Болалар бекати

Қўлга олсам китобни
Кимдир шивирлаб
Хитоб қилар бир сўзни
Аста пичирлаб:
— Маза қилиб, гап сотиб,
Ўтирсанг бўлар.
Вазифани дўстларингдан
Кўчирсанг бўлар.
...Аттанг, яна бир куним
Беҳуда ўтди...
Дақиқалар соатнинг
Этагин тутди.
— Бўлди, ваъда бераман
Ўзим-ўзимга.
Бозунгарга ўхшайди
Футбол кўзимга.
Дўстлар, мени кечтиринг,
Нима ҳам дейин.
Синфдошлар ном қўйди,
«Азимжон кейин».

ТОПИШМОҚ

Дастлаб у
Этабда ўси,
Сўнг шумғиянинг
Йўлини тўси.
Роса етилгач,
Пичоқни тиглатди.
Ошхонага боргач,
Ошпазни йиглатди.
Овқатга солмаса,
Бўлмайди.
Шакаробнинг кўнгли
Тўлмайди...

Турсунбой АДАШБОВ
таржимаси

Халқимиз қалбидан чуқур жой олган кулги даргаларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов ва Роза Каримова хонадонидан кўп бўлганман. Бу ажойиб жуфтлик билан санъат, адабиёт, ҳаёт ҳақида яхши гурунлар қилганмиз. Уларнинг оддийгина, самимиятга йўғрилган хонадони эшиги барча учун очик эди. Эргаш Каримовнинг ҳамкасблари, шогирдлари, кўни-қўшнилари, журналистларнинг қадами узилмасди бу даргоҳдан. Ҳозир ҳам дилкаш, ширинсухан Роза опа Каримова хонадоннинг чирогини ёқиб, унга кўрк ва салобат бағишлаб ўтирибди.

Санъаткор саҳнада, телеэкранда, учрашувларда фақат кулиб, кулдириб юрган бўлса-да, ҳаётда анчагина жиддий одам эди. Камчиликларга, одамлардаги ёлгончилик, иккиюзламачилик, бефарқлик, манманлик каби иллатларга муросасиз бўлгани учун ҳам, ақтилом, «Телевизион миниатюралар театри» интермедиялари ва ҳажвий чиқишларида шундай қиёфаларни ўхшатиб яратолган. У саҳнада ё экранда кўриниши биланоқ одамларнинг

юзига табассум югурарди. Эргаш ака билан бирга хонадонларга самимий, ҳузурбахш кулги кириб келарди.

Одамларни кулдириш осон эмаслигини яхши тушунган Эргаш Каримов изланишдан чарчамасди. Зиммасидаги ва-зифанинг юкини юракдан ҳис қиларди. Шунинг учун ҳам у қат-

нашган миниатюралар, интермедиялар одамларни иллатлардан огоҳ қилишга, ижтимоий муаммоларнинг ечимини топишга хизмат қиларди.

Э.Каримов экран миниатюра театрига асос солиб, «Табассум» эшиттиришларини жонлантириш билан бирга, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи»

КЎНГИЛЛАРГА КЎЧГАН ТАБАССУМ



Г.УМАРОВА

кўрсатувининг биринчи режиссёри сифатида ҳам юраклардан жой олди. Бундан ташқари, кинодаги, «Наштар» киножурналидаги роллари ва «Учрашув» телефилми орқали устоз санъаткор бутунги томошабин билан ҳам учрашиб турибди.

Ўзбек давлат Миллий академик драма театрида ана шу ҳасос кулги устасининг Хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда пойтахтимиз театрларининг санъаткорлари, таниқли хонада ва созанда, Эргаш ака билан бирга ишлаган ҳамкасблари, шогирдлари, яқинлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Саҳнага ўрнатилган экрандан устоз санъаткорни яқиндан билган адабиётимиз намояндлари Саид Аҳмад, Неъмат Аминов, Фарҳод Мусажонов ва бошқаларнинг эътирофлари янгради, Эргаш ака иштирокидаги миниатюралардан намуналар намойиш этилди.

МУҲАББАТ ГУЛДАСТАСИ

Муқоваси кўзни қувонтирадиган китоб юзидидаги ёзув завқ уйғотди: «You need to be happy!» Яъни бу «Сен бахтли бўлишинг керак» дегани. Китобнинг номи эса уни беихтиёр варақлашга ундайди — «XX аср: муҳаббат ҳақида 20 ҳикоя». Ушбу нашр қандай асарлардан таркиб топаганига қизиқмай бўладими?! Китобга йигирма нафар ўзбек

ган ёш ёзувчиларнинг асарларига ҳам ўрин олган. Энг сара севги ҳикоялари жамланган мазкур китобда Чўлпоннинг «Клиўптар»си, Ойбекнинг «Гулнор опа»сию Одил Ёқубовнинг «Матлуба»си ёхуд Эркин Ўзбекининг «Манана»си билан танишиб, қалбимизда соғин ва армон туйғуларини туясиз.

Асқад Мухторнинг «Атир»и, Пиримкул Қодировнинг «Илинж»и, Ўлмас Умарбековнинг «Муҳаббат қўшиғи»ю Учқун Назаровнинг «Журбат»и ёки Шойим Бўтаевнинг «Кўчада қолган овоз»и... Бу асарларни ўқиб, ўзингизга бегона бўлмаган ҳис-туйғулар, воқеаларнинг гувоҳига айлانسиз. «Минг бир жон» (Абдулла Қаҳҳор), «Кўзларингда ўт бор эди» (Саид

Янги нашр

Дарвоқе, китоб муқовасида яна бир жумла бор: «Муҳаббат инсон қалбиди очилган лоладир». Ана шу лолаларнинг йигирма

донасидан дасталанган серфусун гулдас-та билан адабиёт мухлисларини қутласак арзийди.

Шоҳрух САИДОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети талабаси.

ГЎЗАЛ ДИЁР МАДҲИ

Пойтахтимиздаги Бадий академиянинг кўргазмалар залида таниқли рассом Владимир Чубнинг «Бахт учун макон» номи кўргазмаси очилди. Рассом таваллудининг 75 йиллиги ва «Кексаларни ёзозлаш йили»га бағишланган экспозициядан муаллифнинг икки юздан ортиқ рангтавир ҳамда графика асарлари ўрин олган. Рассомнинг шарқнинг эртанамо дунёсига меҳри бўлакча эди. Саёҳатларидан бирода Урта Осиёнинг тарихий обидалари, табиат манзаралари, одамларнинг турмуш тарзи расомда меҳр уйғотди. 1966 йилги эзилладан сўнг Тошкентда янги замонавий меъморий бинолар қад кўтарди. Бу биноларни безаш ишларида В.Чуб фаол қатнашди. Меъморчиликнинг

Нигох



маҳаббатли рангтавирлари билан уйғун тарзда яратилган рассом асарлари марказий Аэропорт, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Ирригация институтининг кутубхонасини ҳозиргача безаб турибди.

Муаллифнинг экспозициядан жой олган «Тўй», «Дастурхон атрофида», «Дугоналар» сингари туркум асарларида халқимизнинг азалий қадриятлари қизиқарли акс этган бўлса, «Сой», «Сижжақда ойдin тун», «Рўпарадаги тоғ», «Бог» каби картиналарда ўлкамиз табиати камалакдек рангларда жилоланган. В.Чубнинг нафақат рангтавир асарлари, балки қаламда чизилган ўзига хос тасвирлари ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

С.КОСИМОВА
А.ПОПОВ олган сурат

Журналларни варақлаганда

“ЁШЛИК”

2015 йил, 10-сон

Ёшликка хос жўшқин руҳ ва баланд иштиёқ журналининг ушбу сониди ҳам ўз аксини топган. Бунга турли жанр ва мавзулардаги асарларни ўқиб ишонч ҳосил қиласиз.

Албатта, устоз ижодкорларнинг ижод намуналари, йўл-йўриғи, ибрат олса арзигули тажрибалари журнал мундарижасини кўтариб турибди. Чунончи, «Тавсия» рубрикадаги атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг ёшлар семинарида сўзлаган нутқининг матни айнан бугунги адабий жараёнга ва айнан ёшларга тааллуқлилиги билан ҳам долзарбдир.

Назм саҳифаларида шеърятимизнинг навқирон авлоди вакили Муҳиддин Абдусамед ва бир гуруҳ ёш қаламкашларнинг шеърларини ўқийсиз.

Халқимиз «Ўт балосидан асрасин», деб бежиз айтмайди. Чунки ёнгин хонадонга, мол-мулкка катта талофат етказиши, унинг инсон саломатлигига етказишидан зиёнини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Аксарият ҳолларда ёнгининг келиб чиқишига лоқайдлик сабаб бўлади, яъни озгина эътиборсизлик катта-катта зарарларни келтириб чиқаради. Хўш, бу тилсиз ёв билан қандай курашмоқ керак? Аввало, ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш лозим, яъни электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир неча ток қабул қиладиган воситаларни улаш, қўлбола электр лигиталарни қаровсиз қолдириш, табиий газни резина мослама-

лар орқали улаш хавфли саналади. Буларнинг ичиди энг аянчлиси, болаларнинг гу-гурт билан ўйнаши ёки қаровсиз қолдириб кетилишидир. Шундай экан, аввало, ёш болаларга олов билан муносабатда бўлишнинг хавфли томонларини тушунтириб бориш лозим. Уйдан чиқиб кетаётганда электр ва газда ишлайдиган воситаларни ўчиришни унутманг. Қиш мавсумида эса иситиш мосламаларини ишлатишдан олдин мутахассислар кўригидан ўтказинг.

Ана шу белгиланган меъёр қондаларига амал қилсангиз ўз уйингизни, мол-мулк-кингизни ва соғлигингизни хавф-хатардан

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг «Зиё нур» нашриётида таниқли драматург Жўра Маҳмудовнинг псалар тўплами чоп этилди. Мазкур тўпламга ижодкорнинг турли йилларда ёзилган драматик асарлари киритилган. Жумладан, яқинда Ўзбек драма

ДРАМАЛАР ТЎПЛАМИ

театрида сахналаштирилган «Садоқат» асари томошабинлар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлди. Китобдан ўрин олган «Берк кўча» асарида нафс балосига гирифторм бўлганларнинг қилмишлари томошабин кўринишлар орқали тасвирланади. «Бўлмаган гаплар» сатирик комедиясида муаллиф инсондаги салбий иллатларни ўткир сатира тиги остига олади.

Шунингдек, машҳур юнон комедиографи Аристофаннинг «Бойлик маъбудиди», «Лисистрата», Гоголнинг «Ўлик жонлар», словак драматурги Ян Соловчининг «Ғаройиб гадо» асарлари Ж.Маҳмудов таржимасида китобхонларга тақдим этилган.

Севинч ҚУРБОНОВА

“БАХТ КИТОБИ” БАХТ ТИЛАЙДИ

«Инсон учун дунёдаги энг улуг неъматлардан бири — дўстлик. Ақли одам учун дўстлик — ҳар қандай мол-дунё, мансаб, ҳатто аҳил оила ва соғлиқдан ҳам афзалроқ бойлик ҳисобланади. Негаки, инсон ўзининг ақл-заковати билан юксак мансабга, бойлик ва бошқа турфа имкониятларга эришиши мумкин. Аммо ҳақиқий дўст — Оллоҳнинг улкан марҳамати ҳисобланади...» Бу қимматли фикрларни истеъдодли қаламкаш Бахтиёр Ҳайдаровнинг «Бахт китоби» номи китобида ўқийшингиз мумкин.

Муаллиф ўзи айтганидек, «Бахт камёб эмас, балки жуда сероб неъмат. Дунёда қанча одам бўлса шунча, балки ундан-да кўпроқ бахт-саодат мавжуд. Фақат бахтни кўриш ва ҳис эта билиш керак». Дарҳақиқат, бахт ҳақида ҳар кимнинг ўз тушуначиси бор. Аммо айрим одамларнинг ёнгинасидаги бахтни ҳис қилмасдан, ҳаётдан нолиб армон билан ўтаётганини кузатамиз. Ёзувчининг «Бахт китоби» эсселар тўпламини ўқир экансиз, беихтиёр бахтли ва омадли эканлигингизни чуқур ҳис қила бошлайсиз. Уни мутолаа қилиш жараёнида чин дўстингиз борлиги, сизни тушунадиган инсонингиз ёнгинасизлиги, омад ўз қўлингизда эканлигини тинчроқ англайсиз. Китобнинг иккинчи бобидаги соғлом ва бахтли бўлиш учун берилган фойдали маслаҳатлар сизни бефарқ қолдирмаслиги табиий. Муаллиф «Буржлар ва никоҳ», «Юлдузи юлдузга тўри келса...» сарлавҳали мақолаларида ҳар бир инсон турмуш қуришидан олдин ўз жуфтини танларкан, мучал ва буржнинг ҳам роли катталлигини унутмаслик лозимлигини жонли мисоллар орқали исботлашга ҳаракат қилади.

«Turon zamin ziyor» нашриётида чоп этилган ушбу китоб турли ёшдаги ўқувчилар учун мўлжалланган.

Б. СУЛТОНОВА

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: info@uzas.uz, uzas@mc.uz
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахриратга келган қўйғамалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқлашиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа
ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.20

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўхсатга олиingan. Додаи — 4040 Буюртма S — 4561. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Танқилолар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КўНАРАИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

772381614000